



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ХУҚУҚ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ**

ҲАКИМОВА ГУЛНОЗА ҲАЗРАТҚУЛОВНАНИНГ

**5141500-Миллий истиқлол ғояси: маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

**ИСЛОМДА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ ВА
УНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ мавзусидаги**

Битирув маънавий иши.

Раҳбар:

ўқит. Холияров Т.

ТЕРМИЗ – 2013

Мундарижа.....2

Кириш.....3-15

1 боб. Оила муносабатларининг тарихий келиб чиқиши ва ривожланиши
босқичлари.....15-41

1.1. Оила ва оила муносабатлари тушунчаси, моҳияти ва
вазифалари.....15-24

1.2. Ислонда оила муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиш
босқичлари.....24-34

1.3. Ислонда оила муносабатларининг ижтимоий ва ахлоқий назарий
асослари.....34-41

2 боб. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ислоннинг оила
муносабатлари маданиятидан фойдаланиш усуллари ва воситалари...41-58

2.1. Ислон таълимотида оила муносабатлари маданиятининг замонавийлик
хусусиятлари.....41-50

2.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнида оила муносабатлари
маданиятида ота ва онанинг фарзанд тарбиясидаги ўрни.....50-58

Хулоса.....58-60

Фойдаланилган адабиётлар.....61-63

Мавзунинг долзарблиги: Оила жамиятнинг бирламчи бўғини ҳисобланади. Шунга кўра, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, оила фуқаролик жамиятининг таянч нуқтаси, барқарор ва тинч тузилмасидир. Чунки бу муқаддас даргоҳда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбия топади. Демак, оила жамиятнинг табиий ҳужайраси, ижтимоий асосидир. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади ва тез ривожланади. Зеро, жамият асоси-оиланинг моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланиб бориши ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Мустақилликка эришиб, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти шаклланиш жараёнида Ўзбекистон халқи олдида турган энг долзарб муаммолардан бири оила муносабатларини давр талаблари даражасида такомиллаштириш, унга асос бўлган дунёвий, диний, миллий ва умуминсоний қадриятлардан ижодий фойдаланиш йўллари аниқлашдан иборат. Шунинг учун ҳам давлатимиз сиёсатида оилада маънавий баркамол, жисмоний соғлом ёш авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент Ислом Каримов оиланинг ижтимоий ҳаётдаги юксак мавқеини, ўзига хос маънавиятини юксалтиришнинг аҳамиятини таъкидлаб, «...инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқараши белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир»¹, дейди.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи тарихий тараққиётида миллий қадриятларнинг уйғунлашувига асосланган оилавий муносабатларда вояга етган инсоннинг маънавий-ахлоқий камолоти ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Соғлом оила муҳитида шаклланган инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик,

¹ 1 Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008. — Б. 52.

хушхулқилик ва бошқа инсоний фазилатлар шахс маънавий баркамоллигини намоён қилувчи сифатлардир. Бинобарин, мазкур БМИ мавзусининг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

- биринчидан, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, ёшларнинг маънавий дунёсини бойитувчи тарихий мерос ва қадриятларни фалсафий таҳлил қилишга эҳтиёж кучаймоқда;
- иккинчидан, Ўзбекистон мамлакатларида демократия намунаси деб баҳоланиб, жаҳонга эскалацияси кучайиб бораётган бир жинсли никоҳнинг ғайриинсоний моҳиятини фожия қилишнинг олдини олиш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда;
- учинчидан, яқин никоҳликка асосланган оиланинг жамият олдидаги бурчи ва масъулияти билан боғлиқ миллий, исломий ва умуминсоний қадриятларнинг оилани мустаҳкамлашга қаратилган жиҳатларини фалсафий таҳлил қилиш назарий-методологик аҳамиятга эга;
- тўртинчидан, ўзбек халқи турмуш тарзи ва оилавий муносабатларини мустаҳкамлашда исломий қадриятларнинг тарихий аҳамиятини, ундан ижодий фойдаланишда ворислик алоқадорлигига риоя қилиш илмий йўллари, усуллари тадқиқ қилиш зарурияти кучаймоқда;
- бешинчидан, ёшларни турли норасмий диний ҳаракатлар таъсиридан муҳофаза қилиш, ўзининг мустақил ҳаётий позицияси ғоявий иммунитетини шакллантиришда оила муносабатларини тизимли-функционал фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш, (асослаш ҳамда оилани барқарорлигига салбий таъсири олдини олиш муҳим аҳамиятга эга).
- олтинчидан, Имом Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бизнинг маънавий ҳаётимиз дунёвийлик ва динийлик асосларига таяниши лозимлигига эътиборни жалб қилиши, оилавий муносабатларда ислом таълимотидан фойдаланиш имкониятларини ўрганишни ижтимоий зарурат тарзида кун тартибига қўймоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Имом манбаларида оила муносабатларини такомиллаштиришнинг дунёвий ва диний муаммоларини

тадқиқ этиш масаласи барча даврларда файласуфлар ва илоҳиётчилар диққатини жалб этиб келган.

Ўзбекистон ислом дини кенг тарқалган мамлакатлардан биридир, ундан никоҳ, фарзанд тарбияси, эр ва хотин бурчи ҳамда вазифалари каби оилавий муносабатларни ўрнатиш ва такомиллаштиришда миллий кадриятларни ўзида мужассамлаштирган шариат дастурларига, хатто сиёсий-маъмурий таъқиқларга қарамасдан амал қилиб келинган. Хусусан, оила ҳуқуқий мезонларини асослашда исломнинг ханафий шариат асосларидан ижодий фойдаланилган.

Оилавий муносабатларини такомиллаштиришга оид бўлган дунёвий ва диний мақомдаги муаммолар: уламолар, қонуншунослар, ҳакамлар фаолиятида, олиму фузалолар, илм изланувчиларнинг диққатини ўзига жалб этган. Оила моҳиятининг анъанавийлиги, миллий, диний ва умуминсоний ахлоқий кадриятлар тизимида тутган ўрни, оила муҳитининг баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти классик ва ҳозирги замон фалсафий тафаккур тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Мазкур масаланинг тарихий илдизлари: «Авесто», «Ўрхун Энасой битиклари»да ҳамда Афлотун, Аристотель, Конфуций қарашларида, Шарқ мутафаккирлари – Беруний, Форобий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Абу Абдурахмон ан Насой, Ҳаким Термизий, Сулаймон Боқирғоний, Аҳмад Яссавий, Муҳаммад Ҳузурий, Ризоуддин Ибн Фаҳруддин, Амир Темур² каби арбоблар ва алломаларнинг бу масалага тегишли кўплаб асарлари маънавий

² Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001; Платон. Соч. в 3-х томах. – М., 1871. – Т. 3. – Ч.1; Аристотель. Сочинения. В 4-томах. – М.: Мысль, 1983; Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: 1968; Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Қодирий, 1993; Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд / Тузувчилар: У.Каримов, Ҳ.Ҳикматуллаев. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992. 3-жилд; Ал-Бухорий. Ал-Жоми ас-сахих (ишонарли тўплам). 4 жилдлик. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999; Ат-Термизий. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993; Аҳмад Яссавий. Девони хикмат. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992; Ризоуддин Ибн Фаҳруддин. – Т.: Чўлпон, 1993; Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли. – Т.: Нур, 1992.

маданиятимиз хазинасидан ўрин олган. Айниқса, ўша даврда яшаб ижод этган Аҳмад Югнакий, Имом Ғаззолий, Фаридиддин Аттор, Ҳусайн Воиз Кошифий, Алишер Навоий³ каби мутафаккирларнинг асарларида оилада миллий, диний тарбия масалаларига оид ибратли фикрлар баён қилинган.

Ўзбекистон олимларидан С.Акмалова, Б.Валиева, И.Черкашина, Р.Восикова, В.Каримова, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, Ф.Саифназарова, Салоҳиддин Мухиддин, У.Уватов, М.Ҳолматова, Э.Юсупов, Ў.Юсупов, Р.Убайдуллаева, Ҳожи Аҳмаджон Бобомуродовлар оила муносабатлари масъулияти, оиладаги тарбия масалаларига оид назарий ва амалий аҳамиятга молик фикрларни билдирганлар⁴.

Диний манбаларда эса, оиланинг моҳияти, жамият тараққиётидаги ўрни, ота ва оналар, фарзандларнинг бурчи ва масъулияти, оиладаги ахлоқ, одоб тарбиясининг теологик назарий-методологик асослари кўрсатилган. Айниқса, Қуръони карим, Ҳадисларнинг мустақиллик даврида ўзбек тилида нашр этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Демократия, фикр эркинлиги, эътиқодий бағрикенгликка катта эътибор берилётган ҳозирги кунда оила муносабатларига асос бўлган умуминсоний – дунёвий ва диний

³ Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий. Кимёи саодат. – Т.: Камалак, 1995; Кошифий Х.В. Футоватнома Султоний ёҳуд жавонмардлик тариқати. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994; Алишер Навоий. Асарлар. Ҳамса. Ҳайрат-ул Аброр. – Т.: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 1965. 6- жилд.

⁴ Акмалова С. Онагинам. – Т.: Ўзбекистон, 1993; Валиева Б., Черкашина И. Ўзбекистонда хотин-қизлар: қонун ва жамият муаммолари. – Т.: Шарқ, 1999; Восикова Р. Ҳар бир аёл учун. – Т.: Адолат, 1994; Каримова В. Оила ижтимоий ҳимоя омиллари. – Т.: 2007; Маҳкамов У. Ахлоқ ва одоб сабоқлари. – Т.: Фан, 1994; Мусурмонова О. Оила маънавияти ва миллий ғурур. – Т.: Маънавият, 2000; Маърифат – тинчлик асоси / Тузувчи Д.Раҳимжонов, масъул муҳаррир З.Исломов. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007; Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар. – Т.: Yurist-media markazi, 2007; Салоҳиддин Мухиддин. Оила ва шаръий никоҳ одоблари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004; Шайх Абдусалом ал-Муборакфурий. Имом ал-Бухорий (ҳаёти ва мероси). Араб тилидан У.Уватов таржимаси. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008; Ҳолматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Т.: Ўзбекистон, 2000; Юсупов Э., Юсупов Ў. Оила – маънавият булоғи. – Т.: ЎАЖБНТ, 2003; Ҳожи Аҳмаджон Бобомурод. Ислом одоби ва ахлоқи. – Т.: Мовароуннаҳр, 2008; Р.А.Убайдуллаева. Мустақил Ўзбекистон: Аёл, оила ва жамият. – Т.: Фан, 2006.

кадриятларни фалсафий таҳлили зарурий ҳолга айланмоқда. Зеро, оила муносабатларини соф дунёвий ёки диний ҳодиса сифатида қараш уларни бир-бирига қарама қарши қўйиш масалага бир томонлама ёндашишдир.

Мустабид тузум даврида оила муносабатларига синфий, сиёсий европапарастлик андозалар асосида ёндашилиб, унинг миллий жиҳатлари, диний хусусиятлари инкор этилди. Бунинг жамият оилавий ҳаёти ва ёшлар тарбиясига кўрсатган салбий оқибатлари ҳануз сезиларли. Чунки, диний кадрият ҳамда миллийлик хусусиятларини менсимаслик натижасида оилада диний кадриятларга асосланган миллий тарбия ўтмишнинг зарарли сарқити деб қаралди. Бу масалага ҳолис ёндашганлар эса, таъқиб ва тазйиқ остига олиниб, қатағон қилинди.

XX аср охирларида МДХ мамлакатларидаги тадқиқотчилар томонидан оила муносабатларининг ижтимоий-фалсафий, тарихий-маданий, диний-ахлоқий, социологик, педагогик ва психологик муаммолари бўйича бир қанча монографиялар, тўпламлар, рисоалар ва ўқув қўлланмалари нашр этилди⁵. Юқорида келтирилган асарларда оила такомилнинг фалсафий, назарий, диний-ахлоқий жиҳатлари юзасидан муҳим хулосалар, назарий ва амалий тавсиялар берилган. Аммо оила муносабатларининг шаклланишида ислом таълимотидан ижодий фойдаланиш, айниқса, бунда ворислик алоқадорликларига риоя қилиш масалалари алоҳида тадқиқот предмети қилиб олинмаган.

Истиқлолга қадар ҳимоя қилинган Р.Бойқобулова, Б.Валиеваларнинг диссертацияларида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида аёлларга бўлган муносабат, аёллар ҳуқуқи масаласи, оилада эр-хотин ҳақ-

⁵ Керимов Г.М. Шариат – закон жизни мусульман. – М.: Ленорм, 1999; И. Ал-Мансури.

Мусульманские праздники и обряды. – М.: Ленорм, 1998; Фром Э. Мужчина и женщина. – М., 1999; Азаров Ю. Семейная педагогика. – М.: Педагогика, 1993; Антонов А.И. Семья такая она и куда движется. – М.: Мысль, 1998; Бестужев-Лада Н.В. Окно в будущее. – М., 1991; Харчев А.Г., Минковский М.С. Современная семья и её проблемы: Социально-демографическое исследование. – М.: Мысль, 1997.

ҳуқуқлари, шариат ҳукмлари ва бошқа қадриятлар ўша даврнинг ҳукмрон мафқураси нуқтаи назаридан таҳлил қилинган⁶.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, ўзбек оиласи муносабатларини такомиллаштиришнинг дунёвий ва диний асослари тарихини чуқур ўрганиш, уларни ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратилди. Бу долзарб муаммони тадқиқ этишда Абдулваҳоб Халлоф, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Бухорий, Бурхониддин Ал-Марғиновий, Ризоуддин Ибн Фахруддин асарлари халқимиз оила муносабатлари шаклланиши ва жараёнларининг муҳим томонларини илмий асослашга хизмат қилмоқда⁷.

Оила муносабатларининг турли қирраларига бағишланган асарлар – Азим Хожа Эшон, Алихонтўра Соғуний, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Шариф ал Бухорий, Насриддин Бурхонуддин Рабғузий, Ризоуддин Ибн Фахруддин, Фозилқори Ёсин ўғли, Хожи Мирзо Иброҳим Саидзода Хўжандий, Хусайн Воиз Кошифийларнинг⁸ асарлари оила муносабатлари ривожига ҳисса бўлиб қўшилди.

⁶ Бойқобулова Р. Особенности религиозности среди женщин-узбечек и пути совершенствования атеистической воспитательной работы среди них (на материалах Узбекистана): автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Т., 1988; Валиева Б.С. Особенность модернизации семейно-правовых норм шариата в современных условиях: автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Т., 1986.

⁷ Абдулваҳоб Халлоф. Усулул фикҳ. Ислом қонуншунослиги. – Т.: Адолат, 1997; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008; Бурхонуддин ал-Марғиновий. Ҳидоя. 1-жилд. – Т.: Адолат, 2000; Ризоуддин Ибн Фахруддин. Насийҳат. – Т.: Чўлпон, 1993.

⁸ Азим Хожа Эшон. Ҳикмат. – Т.: Ўзбекистон, 1993; Алихонтўра Соғуний. Тарихий Муҳаммадий. – Т.: Мовароуннахр, 1991; Абулқосим Маҳмуд Ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992; Муҳаммад Шариф ал-Бухорий. Фавоиди ҳаққонийа. – Т.: Адолат, 1995; Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. – Т.: Ёзувчи, 1991; Ризоуддин Ибн Фахруддин. Тарбияли хотун. – Т.: Мехнат, 1991; Фозилқори Ёсин ўғли. Қалблар шифоси. – Т.: Мовароуннахр, 2000; Хожи Мирзо Иброҳим Саидзода Хўжандий. Саодат раҳнамоси. – Т.: Хўжанд, 1995; Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2000.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг, оила муаммосининг назарий жихатига, айниқса, ҳаётий муаммоларни ўрганишга катта эътибор қаратилди. Мустақиллик даврида давлатнинг динга ва диний ташкилотларга нисбатан сиёсатида оилавий муносабатларга тегишли диний кадриятлар маънавият ва маърифатнинг таркибий қисми деб қаралди. Натижада истиқлол йилларида ёзилган илмий ишлар, диссертацияларда ислом динининг ижтимоий, тарбиявий аҳамиятига янгича ёндашувлар вужудга келмоқда.

Ф.А.Примованинг диссертацияси оила қуришда Оила кодексига киритилган ахлоқий ҳуқуқий мезонларга амал қилишнинг ижтимоий, тарбиявий аҳамиятини таҳлил этишга асосий эътибор қаратилган; С.Ж.Турсунованинг диссертациясида⁹ шариат қонунларининг оила ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли, Марказий Осиё алломалар, фикҳшуносларнинг қарашлари тадқиқ этилган.

М.Холматованинг диссертациясида оилавий муносабатларни устаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш масалалари тадқиқ этилган. К.У.Нажмиддинова ва Н.З.Сайдалиеваларнинг диссертацияларида оила жамиятнинг кичик хужайраси, ижтимоий-маданий организми эканлиги оила тарбиясида миллий ва умуминсоний маданиятни уйғунлаштириш масалалари таҳлил қилинган¹⁰.

Деҳқонов Мамитали Роҳаталиевичнинг “Исломда оила муносабатлари маданиятини ривожлантиришининг фалсафий таҳлили” номли фалсафа фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган

⁹ Примова Ф. Оилавий муносабатларини шакллантиришда миллий ва диний кадриятларининг тутган ўрни: фалс. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 1999; Турсунова С.Ж. Гражданские законы и нормы шариата по семейному праву и их социальная сущность: автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Т., 1997.

¹⁰ Холматова М. Проблемы совершенствования культуры семейных отношений и воспитания здорового поколения: автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – Т., 1998; Нажмиддинова К.У. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни: фал. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2006; Сайдалиева Н.З. Оила ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-фалсафий масалалари: фал. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2002.

диссертациясида оила муносабатлари маданиятининг тарихий генезиси ва ривожланиши босқичлари, оила муносабатлари маданияти назариясининг методологик таҳлили, исломда оила муносабатлари маданиятининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, исломда оила муносабатлари маданиятининг ижтимоий ва ахлоқий назарий асослари, оила муносабатлари маданиятининг ижтимоий ва ахлоқий мезонлари, оила муносабатлари маданиятини шакллантиришга асос бўлган миллий ва исломий қадриятлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришда исломнинг оила муносабатлари маданиятидан фойдаланиш усуллари ва воситалари, ислом таълимотида оила маданиятининг модернистик хусусиятлари, оила муносабатлари маданиятида отанинг фарзанд тарбиясидаги бурчи, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнида фарзандлар масъулиятининг ортишида аёлнинг роли масалаларига кенг қамровли ҳолда ёндашилган.

Юқорида келтирилган илмий тадқиқотлар ва диний ҳамда дунёвий манбаларнинг таҳлили оила муаммоси кўп қиррали, мураккаб масалалардан бири эканлигидан далолат беради.

Оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда, давлат қонунлари билан бир қаторда миллий ва исломий қадриятлардан оқилона фойдаланиш ўз самарасини беради. Бинобарин, ислом манбаларида ифодаланган оила муносабатларини фалсафий идрок қилиш ва тадқиқот предметига айлантириш мамлакатимизда юксак маънавиятни қарор топтириш масаласини ҳал қилишга ўзига хос ҳисса қўшади.

Битирув-малакавий ишнинг мақсади. Ислом илоҳиёти ва амалиётида оила муносабатларининг генезиси ҳамда ҳозирги ҳолатини маънавиятини юксалтириш контекстида илмий – фалсафий таҳлил орқали, оила муносабатлари тизимида дунёвий ва диний маданият элементларини сингдириш қонуниятлари ва механизмларини илмий асослашдан иборат.

Битирув-малакавий ишнинг вазифалари:

- ислом таълимотида оила муносабатларининг вужудга келиши генезиси ва такомиллашуви жараёнини фалсафий-назарий таҳлил этиш;

- оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда ислом таълимотидаги ақидавий, ҳуқуқий ва диний-фалсафий асосларини ўрганиб, улардан ижодий фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;
- глобаллашув жараёнида оилада маънавий баркамол, жисмоний соғлом авлодни тарбиялашда диний мерос ва миллий қадриятлардан оқилона фойланиш йўллари ва усулларини илмий асослаш;
- демографик жараёнларнинг оила ички муносабатларига таъсири механизмларини дунёвий ва диний омиллардан келиб чиқиб таҳлил этиш;
- оила кураётган ёшларнинг ота-оналик бурчи масъулиятини оширишда расмий ҳуқуқ ва шариатни уйғунлаштириш зарурлигини асослаш;
- оилада ота-она ва болалар муносабатларига раҳна солувчи норасмий – диний ҳаракатларга қарши ёшларда ғоявий иммунитетни ҳосил этиш усулларини тадқиқ этиш;
- тадқиқот натижаларига асосланиб, оила муносабатларини такомиллаштириш юзасидан оилада таълим, тарбия ишларини яхшилашга доир амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув-малакавий ишнинг объектини ислом таълимотида оила муносабатлари ва ундан ижодий фойдаланиш ташкил этади.

Битирув-малакавий ишнинг предметини ислом таълимотида оила муносабатлари ва ундан ворислик алоқадорликларига асосланиб ижодий фойдаланиш муаммосини тадқиқ этиш, ижодий фойдаланиш муаммоси ташкил этади.

Битирув-малакавий ишнинг илмий-назарий ва методологик асослари.

БМИ да илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворислик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби методларга таянилади.

Битирув-малакавий ишнинг илмий фарази. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятида оила муносабатларини ривожлантиришда исломий қадриятларининг роли устувор аҳамият касб этиб қолаверади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- диний қарашларда оила муносабатлари маданияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- ислом таълимотида оилани мустаҳкамлашнинг механизмларини, йўналишларини кўрсатиш;
- оила муносабати тараққиётида Оила кодекси билан диний тартиб-қоидалар ўртасида умумийлик ва хусусийликни аниқлаш;
- глобаллашув жараёнида минтақа оила муносабатлари ривожланишининг тарихий илдизларини фалсафий таҳлил этиш;
- ҳозирги шароитда оила муносабатларини ривожлантиришда миллий, исломий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш йўллари, воситалари ва усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув-малакавий ишнинг илмий янгилиги:

- ислом таълимотида оила муносабатлари назарий методологик жиҳатдан тадқиқ этилди;
- ислом таълимотида оилани ташкил этиш, барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган шаръий қоидалар тарихий жиҳатдан таҳлил этилди;
- ислом таълимотида оила муносабатларининг ақидавий ҳукуқий ва назарий асослари тадқиқ этилди;
- оила институтининг моҳияти ҳамда жамият тараққиёти, инсон маънавий камолотидаги ўрни ва аҳамияти назарий таҳлил этилиб, унинг жамият ривожланиши билан ўзгариб, янгиланиб, такомиллашиб туриши сабаблари аниқланди;
- ислом таълимотида оила маданияти модернизм хусусиятлари ўрганилди;
- фуқаролик жамиятини шакллантиришда исломнинг оила муносабатлари маданиятидан фойдаланиш усул ва воситалари ишлаб чиқилди.

Битирув-малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Соғлом ва мустақил оилани қарор топтириш жараёнида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда, исломий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш орқали оила маънавиятини юклаштиришда

фойдаланиш мумкин. БМИнинг амалий аҳамияти, унда илгари сурилган назарий ва амалий тавсиялардан: «Ижтимоий фалсафа», «Диншунослик», «Маданиятшунослик», «Маънавият асослари» фанларининг ўқитишда «Маънавиятнинг шаклланиши», «Оила» мавзуларини ўқитиш бўйича дастур ва қўлланмалар тайёрлашда, маҳаллаларда ёшларни оилавий турмуш куришга ўргатишда фойдаланиш мумкин.

Битирув-малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ «Кириш», беш параграфни ўз ичига олган иккита боб, “Хулоса”, “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат бўлиб, умумий ҳажми ____ бетни ташкил қилади.

Фойдаланилган адабиётларнинг таҳлили:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (-Т.:2012) (1) мамлакатимизнинг асосий қонунлари, хусусан фуқаролар, миллат ва элатлар тенглиги ва уларнинг маданияти, урф-одати, қадриятлари, анъаналари, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилиши ҳақида фикрлар билдирган.

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонуни (-Т.: 1997) (2) да таълимнинг босқичлари, мақсад ва вазифалари баён этилган.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (-Т.: 1997), (3) да ҳам миллий таълимнинг мақсад ва вазифалари баён этилган.

И. А. Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (-Т.:1992) (4) асарида республикаimiz мустақиллигидан кейинги миллий-маънавий тикланиш концепциясининг устивор вазифалари баён этилган.

И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” (-Т.: 1992) (5) асарида мамлакатимизни буюк давлатга айланишининг асослари баён этилган.

И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (-Т.: 1997) (6)

асарида Ўзбекистондаги таҳдидлар уларни бартараф этиш масалалари ёритилган.

И. А. Каримовнинг жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин” (-Т.: 1998) (7) асарида мафкуранинг инсон, жамият ҳаётидаги ўрни баён этилган.

И. А. Каримовнинг “Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир “(-Т. 2000) (10) асарида миллий ғояни инсон онгига сингдириш масалалари баён этилган .

И.А. Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” (-Т.:2008) [14] асарида халқимизнинг оила муносабатларида муқаддас динимизнинг инсон маънавий-ахлоқий камолотида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги баён этилган.

1 боб. Оила муносабатларининг тарихий келиб чиқиши ва ривожланиши босқичлари.

1.1. Оила ва оила муносабатлари тушунчаси, моҳияти ва вазифалари.

Баркамол авлодни тарбиялаш оиладан бошланади. Инсон ўз ҳаётини оиласиз тасаввур қилолмайди ва айнан мана шу оила муҳотида у жамият аъзоси сифатида тарбия топади. Оилада соғлом муҳит ва соғлом муносабат қарор топса оилада ҳам, миллат ва жамиятда ҳам соғлом муҳит мавжуд бўлади.

Оила инсон камолотининг бош бўғини, давлат тизимининг энг муҳим институти, жамиятимиз ўзаги, негизидир. Шунинг учун ҳам оилани саждагоҳ, ватан остонадан бошланади, деймиз.

Инсоннинг инсонлиги унинг давомийлиги оиладан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63- моддасида таъкидланишича оила жамиятининг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга¹¹. Ана шу жамиятнинг бирламчи ўзаги, нафақат кичик жамоа, балки инсонлар иттифоқидир. У насл қолдириш, тарбиялаш, таъминлаш каби қатор вазифаларни бажариш билан бирга жамиятни гуллаб яшнашини таъминловчи асосий бўғим ҳамдир. Шу боис ҳам давлат сиёсатининг устивор вазифалардан бири оила фаровонлигини таъминлашдир.

Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек “Оила соғлом экан-жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан-мамлакат барқарордир”.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир.

Оила ижтимоий-тарихий жараёнлар таъсирида шаклланган ва ривожланган ижтимоий институт бўлиб, унинг миқдор ва сифат ўзгаришларига сабаб бўлган табиий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий омиллар қуйидагилардан иборат:

¹¹ Ўзбекистон Республикаси конституцияси. –Т. 2012, 63-модда

а) оила кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, насл қолдиришга интилиш), ижтимоий-ҳуқуқий (никоҳ), маънавий-ахлоқий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, меҳр-муҳаббат туйғуси) омиллар асосига қурилган бирлик¹²;

б) гарчанд оила шаклланишида табиий-биологик омиллар таъсири кучли бўлса-да, ижтимоий, маънавий омилларнинг ҳал қилувчи аҳамияти;

в) оила эр-хотин, уларнинг фарзандлари, энг яқин қариндошлари бирга яшовчи дастлабки жамоани ташкил этиши нуқтаи назаридан кишилиқ жамияти шаклланишининг дастлабки пойдевори бўлган.

Тараққиётнинг турли босқичларидаги эҳтиёжлар характери турли оила шакллари юзага келтирган. Оиланинг ибтидоий кўринишлари қон-қариндошликка асосланган, кейинги босқичда эса, пуналуал оила – жамоага мансуб опа-сингилларнинг бошқа жамоадаги эркакларга хотинликка берилиши билан боғлиқ анъаналар юзага келган¹³. Оналик уруғи, оталик уруғи ҳам оилавий муносабатлар тадрижининг босқичларидир. Кейинроқ, полигам оиладан моногам оилага ўтиш жараёнида юзага келган эндогамик никоҳ, яъни ибтидоий уруғчилик тузумида қабила ичидаги гуруҳий никоҳдан–бир қабилага мансуб эркак ва аёл никоҳидан четланиб, ўзга қабила қизи билан никоҳланишга асосланган экзогам никоҳга ўтиш узоқ давом этган жараёндир¹⁴.

“Оила” сўзининг луғавий маъноси ҳақида олимлар турли фикрлари келтириб ўтишган. Масалан, Ф.Қиличев қадимда халқимизда эгарни уловга мустаҳкамловчи тасмани “айил” деб аташгани ва эр-хотинлик муносабатлари пайдо бўла бошлагач, уларнинг жипслигини “айла”, яъни “айл” оила тарзида ифодалаб номлаганлар, деган фикрга келади¹⁵. Бошқа олимларнинг фикрича, оила арабча “аёлманд” маъноларини англатувчи “оила” сўзидан келиб

¹² Мустақиллик: изоҳли илмий оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2000.

¹³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981.

¹⁴ Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 11.

¹⁵ Қиличев Ф.Ж. Оила муносабатлари. // Ҳаёт ва қонун кутубхонаси. – Тошкент, 1997. – № 1. – Б. 44.

чиққан¹⁶. Умуман “оила” эркак ва аёл қўшилиши натижасида юзага келган ижтимоий бутунликни англатган.

Оиланинг ташкил топиши ва ривожланишига асос бўлган никоҳнинг ижтимоий, маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий асослари ҳақидаги қарашлар, ёндашувлар ҳам турличадир. Никоҳ – арабча сўз бўлиб, “қўшилиш” деган маънони англатади¹⁷. Яъни, никоҳ фақат жисмоний қўшилиш эмас, балки маънавий муштараклик ҳамдир.

Никоҳ барча даврларда оиланинг такомиллашуви ва ривожланишига маънавий, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Никоҳ янги қурилаётган оиланинг давлат ва жамоатчилик томонидан расмий тан олиниши бўлиб, барча диний таълимотларда, унинг шакли ва мақсадларига жиддий муносабатда бўлинган.

Юқорида келтирилган илмий хулосаларга таяниб, оила тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Оила жамият тараққиёти жараёнида унинг давомийлигини таъминлайдиган табиий-биологик эҳтиёжлар бирлигига таянган индивидларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий эҳтиёжи ва ҳамкорлигига асосланган барқарор ижтимоий бирлик, жамиятнинг муҳим негизидир”. Шунга кўра, жамият таянчи – оила, оиланинг таянчи – эр-хотин бирлиги, оила аъзолари аҳиллиги бўлиб, эр-хотиннинг маънавий даражаси оиланинг маънавий муҳитини белгилашда катта аҳамиятга молик. Мутахассисларнинг сўров натижалари хулосаларига кўра, оилада жанжал келтириб чиқарадиган омиллар: моддий қийинчиликлар– 41,9%, оила аъзолари ўртасида бир-бирини тушуниш ҳиссининг йўқлиги– 36,8%, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар – 36,4%ни ташкил этади¹⁸.

Фарзанд тарбиясига салбий таъсир этувчи оилавий низолар, можароларнинг сабаблари қуйидагилар: а) оиланинг бузилиб кетишига эр ва

¹⁶ Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 11.

¹⁷ Отахўжаев Ф. Никоҳ ва уни ҳуқуқий тартибга солиниши. – Т.: Адолат, 1995. – Б. 19.

¹⁸ Убайдуллаева Р.А. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият. – Т.: Фан, 2006. – Б. 380.

хотин маънавий маданиятининг мос келмаслиги; б) оилада эркакнинг спиртли ичимликка ва наркотик моддаларга (ажралиш аризасининг 18,5 фоизи) ружу қўйиши;¹⁹ в) отанинг оила ҳаётига бефарқлиги, иқтисодий қийинчиликка бардош беролмаслиги; г) ҳамон учраб турадиган қайнона-келин муносабатларидаги келишмовчиликлар; д) оилада психологик бирликнинг йўқлиги боис, ажралишлар 8,4 фоизни ташкил қилади²⁰. Натижада ажралганларнинг миқдори қаерда никоҳни қайд этилганларнинг умумий сонига нисбатан 2005 йилда 16400, 2006 йилда 16100, 2007 йилда 18200 нафарни ташкил этди²¹.

Бу сабабларнинг таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, бундай ажралишлар оила ҳақидаги қонунларга риоя қилинмаган ҳамда диний, дунёвий мерос ва қадриятларга таянмаган оилаларда содир бўлади; иккинчидан, оила институтининг шаклланиши жараёни жамият тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, ўзида ижтимоий тараққиёт қонуниятларини акс эттирган. Бу жараёнда ота-онанинг маънавияти, ҳуқуқий муносабатларининг таъминланиши, айниқса, оила тинчлиги, муросачилик маданиятига эга бўлиш оила аҳиллигини таъминлашнинг ҳал қилувчи шартидир; учинчидан, оила мустақиллигини эр-хотиндан иборат бирлик таъминлаши қийин кечади. Бунинг учун фарзандлар, қариндош-уруғ ҳамкорлиги керак. Тўртинчидан, оила маънавиятининг такомиллашувида, эр ва хотиннинг насл-насаби, ахлоқий, эътиқодий жиҳатдан фарзанд тарбияси масъулиятини бирга ўз зиммаларига олиши муҳим ижтимоий аҳамиятга эга.

Инсон омилини ҳар томонлама камол топтириш, ўзаро ёрдам, ўртоқлик муносабатларини янада яхшилаш, шахсий оилавий ва ижтимоий ҳаётда оддийлик ва ҳалоллик, хушмуомалалик ва ростгўйлик каби маънавий-

¹⁹ Оила ижтимоий ҳимоя омиллари. – Т.: Республика «Оила» илмий-амалий маркази, 2007. – Б. 10.

²⁰ Ўша манба. – Б. 12.

²¹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумоти. 2009 йил 9 март, 01/3-12-06-15-15-сон.

ахлоқий инсонларга хос бўлган сифатларни янада такомиллаштириш асосида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш давримизнинг энг муҳим истикболли режаларидан ҳисобланади.

Кишилиқ жамияти тараққиёти тарихидан маълумки, бола шахсининг камолоти оилада шаклланади.

Оила жамият ҳаётини олға сурувчи, уни янада юксак босқичларга кўтариб раванқ топтирувчи, келажак авлодларни тарбиялаб етиштирувчи, камол топтириш учун масъул бўлган ғоят муҳим ўчоқдир.

Жамиятимиз тараққиёи ўзининг ривожланиш қонуниятларига асосланган ҳолда шахс етуқлигини таъминловчи ва тарбия самарадорлигини оширувчи омилларни вужудга келтириш талабини қўймоқда. Шу билан бирга жумҳуриятимиз тараққиёти билан оила, унинг барча ҳаётий босқичлари жиддий ўзгаришларга учраётганлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Бизнинг янги оила вужудга келтириш борасидаги муваффақиятларимиз шак-шубҳасиздир. Оила эркаклар ва аёлларнинг тўла тенг ҳуқуқлиги, оила учун баб-баравар жавобгарлиги асосида қурилади. Бироқ, янги оилани вужудга келтириш оддий иш эмас. Бу мураккаб жараён бўлиб, унинг ўз муаммолари мавжуд. Мустақил оила - унинг энг муҳим негизларидан биридир.

Оилавий муносабатлар энг умумий тарзда қаралганда, эр-хотин муносабати, ота-оналик-фарзандлар муносабатларидан иборат. Бу муносабатлар мазмунида, шубҳасиз, табиий муносабатлар-жинсин ҳиссиёт, ота-оналик ва фарзандлик ҳисси, яъни қон-қардошлиқ муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Аммо бу ҳиссиётлар табиийлигича намоён бўлмай, ижтимоий шаклда-ахлоқий-эстетик, психологик муносабатлар тарзида намоён бўлади. Шунга кўра оилавий муносабатлар тизимида табиий, ахлоқий, эстетик, психологик муносабатларни фарқлаш мумкин. Бундан ташқари иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар оилани мустаҳкамлашда муҳим мавқега эга.

1. Оилавий муносабатлар биринчи навбатда эр-хотин ўртасидаги табиий-биологик муносабатларнинг таркибий қисмидир. Эркак ва аёлнинг бир-бирига интилиши табиий ҳодиса бўлиб, бу муносабат бевосита оиланинг асосини ташкил этади. Жамият эркак ва аёл ўртасидаги табиий-биологик муносабатнинг қай тарзда рўй беришига бефакр қараб туролмайди. Чунки, ишлаб чиқарувчи кучларни сақлаш ва ривожлантириш, жамият аъзоларининг ўзаро муносабати маданиятининг такомиллашуви, камолоти жамиятнинг асосидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир жамиятда эркак ва аёл ўртасидаги табиий-биологик муносабатлар бетартиб, стихияли рўй бермай, муайян, барқарор, ижтимоий-маданий шаклда, никоҳ йўли билан бўлиб, улар ҳуқуқий қонунлар ва ахлоқ норма-қоидалари, урф-одат, жамоатчилик фикри, қолаверса давлат, жамоат ташкилотлари томонидан бошқарилиб борилади. Оилавий муносабатларнинг шаклланиши жараёнига эътибор берар эканмиз, никоҳ ва оилани бир-биридан фарқлашимиз лозим. Никоҳ оиладан илгари вужудга келган бўлиб, даставвал патриархал оила вужудга келишига қадар, уруғчилик даврида фақат жинсий табиий ҳаётни бошқариб борган. Оила вужудга келгандан сўнг эса кишилар ҳаётнинг ҳуқуқий, ахлоқий ва маиший соҳаларига ҳам кириб борган. Бугунги ривожланган жамиятда эса, оилавий муносабатлар маданий ҳарактерга эга бўлиб, албатта жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиб, яшаётган жамиятдаги оила қуриш анъаналари ва қонун-қоидаларига риоя қилиб яшашни тақазо этади.

2. Оилавий муносабатларнинг муҳим таркибий қисми — оила аъзолари ўртасидаги иқтисодий-мулкӣ муносабатдир, яъни оила турмушини ташкил этишдир. Юқорида айтганимиздек, жамият ўз аъзолари ўртасидаги табиий-биологик, шунингдек, қон-қарондошлик, мулкӣ муносабатларни ҳуқуқий қоидалари билан бошқарув боради.

3. Оиладаги ҳуқуқӣ муносабатлар оила аъзоларининг ўзаро ҳуқуқи ва мажбуриятлари йиғиндисидир. У оила ҳаётининг энг муҳим томонларини тартибга солиб туради ҳамда энг аввало жисмоний кучга — давлат муассасалари кучига таянади.

4. Оиладаги ахлоқий муносабатлар мазмуни, таъсири жихатидан ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бироқ, ахлоқий муносабатларнинг таъсир доираси жуда икир-чикирларидан тортиб, оила ҳаётини ҳал қилувчи ҳодисаларгача бошқариб туради. Чунончи, оила аъзоларининг кийиниши, овқатланиши, дам олиши, фарзандларини ўқитиши, уйлантириши ҳам ахлоқий қоидалар воситаси билан бошқарилиб турилади. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришганимиздан кейинги оилага оид тадқиқотларнинг барчаси, мавзулари оилавий муносабатларнинг ахлоқий жихатларига бағишланган бўлиб, замонавий оиланинг барча жихатларига эътибор қаратилиб, давлат сиёсатининг бу борадаги амалга оширилаётган йўналишларга эътибор берилмоқда.

5. Оила маънавий ҳаётининг муҳим таркибий қисмларидан бири руҳий муносабатлардир. Руҳий муносабатлар кўп қиррали бўлиб, у эр-хотин ўртасидаги севги-муҳаббат ҳиссиётини, ота-оналик, фарзандлик меҳри, шунингдек, оила аъзоларининг кайфиятлари, хулқ, қизиқишлари ва ҳоказолардир.

6. Оилада эстетик муносабатлар энг аввало, эр-хотининг ўзаро севги-муҳаббатига асосланиб, бир-бирининг маънавий ва жисмоний гўзаллигини идрок қила билиши ва ундан завқлана олиши, оталик, оналикни гўзаллигини тушуна олиши ва уни юксак қадрланишини ифодалайди. Оилада эстетик муносабатлар — оила ҳаётининг ташқи ифодаси, намоён бўлиш шакли бўлгани ҳолда, оилада ахлоқий-руҳий муносабатларнинг ривожланишига, бинобарин, оиланинг мустаҳкамланишига кучли таъсир қилади.

Юқорида таъкидланган муносабатлар тизими ўзаро алоқадорлиги, уларнинг яхлитлиги, оилавий муносабатлар маданиятини ифодалайди. Оилавий муносабатлар маданияти эр-хотин ўртасидаги табиий-биологик муносабатларни, оила аъзолари ўртасидаги қон-қариндошлик муносабатларини ифодалаши оиланинг заминини ташкил этади.

Оила аъзолари ўртасидаги ҳуқуқий, ахлоқий-эстетик, руҳий муносабатлар эса унинг устқурмасидир. Шунинг учун оилани мустаҳкамлаш

мақсадида ҳамиша оилавий муносабатларни такомиллаштириб келинган. Оилавий муносабатнинг софлиги унинг болалардаги хулқ-атворга, маънавий камолоти таъсирини кучайтириш, кўп ҳолларда ота-она ўртасидаги ва уларнинг болалар билан ўзаро муносабатига боғлиқ бўлади. Оиладаги кундалик муносабат, бу ҳаётий эҳтиёж болани ижтимоий-маданий ҳаётга тайёрлашнинг асосидир. Ота-онанинг оиладаги моддий, ташкилий, тарбиявий ва ўзаро шахсий масалалар юзасидан бир-бири билан бўладиган ўзаро муносабатлари соф, самимий, эрнинг хотинга, хотиннинг эрга нисбатан ўзаро ҳурмати, уларнинг ҳаор қандай мураккаб шароитда ҳам ўзаро бир-бирини тушуна олиши, иффати асосига қурилсагина, бундай оилада мусавффо маънавий муҳит вужудга келади. Отанинг онага, онанинг отага бетакаллуфлиги, бир-бирига қўпол муомаласи, ҳаётий қийинчиликларини енгишлиги, бола тарбиясидаги, оиланинг моддий таъминотидаги турли фикрлилик шу оиладаги ўзаро муносабатларнинг бузилишига олиб келади. Оилавий муносабатларда айниқса ота-она муносабатидаги сабрлилик, ўйлаб, ақл-заковат билан оилавий юмушларни баргаликда маслаҳат ҳал этиши, уларнинг бир-бирига меҳрибонлига, фарзандларга бир ҳилда муомалада бўлиши, ҳар иккала томонининг қариндош-уруғларига, қўни-қўшниларига бир ҳилда меҳр-муҳаббат, ҳурмат билан қараши, бир сўзлиги, ҳақиқатни гапириш каби ижобий фазилатларга эга бўлиши, шунингдек ичиши, чекиш, ёлғончилик, маиший бузуқлик, димоғдорлик, манманлик ва бошқа шу каби иллатлардан ҳоли бўлиши оилавий муносабат маданиятининг софлигини таъминловчи хусусиятдир.

Оилавий муносабатларнинг умумий тушунчаси жуда кенг бўлиб, алоҳида аниқ фикрлаш билан чегаралаш мумкин эмас. Чунки оиладаги икир-чикирлар унинг тузилиши, муносабатлар янги-янги қирраларини келтириб чиқарадики, бу эса оилавий муносабатларни янада кенроқ доирада тушунишликни тақозо этади. Оиланинг моҳияти унинг муносабатларида акс этган бўлиб, фақат ўзаро ҳамкорлик, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабатлари асосида қурилади ва оиладаги муҳит унинг муносабат

моҳиятини англатади. Барча ишлар, оиланинг ўзаро тузилмаси унинг олдидаги вазифаларни бажаришга боғлиқ. Эр-хотиннинг ўзаро ҳамкорлиги, бир-бирини тушиниб, барча зиддиятларни яхшилик йўли билан ҳал қилиш, барча оилавий вазифаларни ижобий ҳал этишда омил бўлади. Шунингдек, аجدодларимиз яшаган оиладаги анъана, урф-одатлар халқимиз ўтмишининг ойнасидир. Ўтмиш оилаларимиздан иложи борича оила ахлоқи, одоби ва унинг камолати масалаларни ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Вужудга келаётган ҳар бир оилани мустаҳкамлаш учун, энг аввало, ёшларга ўзбек оилаларнинг урф-одатини, удум ва анъаналарини, ахлоқий маданиятини ёшликдан бериб бориш лозим. Инсон маънавиятининг биринчи пойдевори оилада шаклланади. Оила шахснинг маънавий шаклланишига бевосита таъсир этадиган кичик муҳит бўлиб, кишилик жамиятнинг маънавий илдизидир.

1.2. Исломда оила муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.

Мустақил Ўзбекистонда оилавий муносабатлар инсонпарварлик билан суғорилган исломий ва миллий кадриятларнинг чуқур тарихий илдизларига бориб тақалади. Қуръон Карим ва Ҳадисларда таълим-тарбия, оила қуриш ҳақида кўплаб фикрлар илгари сурилган. Шу билан бирга исломда оила муносабатларида рухсат этилган ва таъқиқланган хатти-ҳаракатлар, яъни, фақат ҳалол ишлар билан шуғулланишга, ҳаром ишлардан қочишга даъват этилади.

Маълумки, оила никоҳ тузилишидан бошланади. “Никоҳ” тушунчаси шариатда шундай шартнома-битим сифатида таърифланадики, унга мувофиқ никоҳга кирган хотин эркак учун бегона, “тақиқланган” бўлмайди. Никоҳ тузиш учун аёл ёки эркакнинг хоҳиши кифоя қилмайди. Доимий никоҳ учун ҳам, вақтинчалик никоҳ учун ҳам никоҳ дуосини ўқиш ва никоҳ битимини тузиш талаб этилади. “Унинг аломатларидан (яна бири) - сизлар таскин топишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилишидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун аломатлар бордир”. (Қуръони карим, «Рум» сураси, 21-оят).

Исломда оиланинг барқарорлиги ҳамма нарсадан устун қўйилади, шу боис мустаҳкам оила қуришга барча мусулонлар томонидан катта аҳамият берилади. Исломда никоҳ Аллоҳга хуш келадиган амаллардан саналади, унга ҳар бир киши, ҳатто жамиятда тенг ҳуқуқли бўлмаганлар, ақли норасолар ҳам ҳақлидирлар, агарда буни улар учун хожалари, васийлари ва воситачилар ҳал этсалар.

Ислом ҳуқуқига кўра никоҳнинг ҳақиқийлиги қуйидаги тўрт шартнинг уйғунлиги, чунончи:

- 1) бевосита монелик қилувчи ҳолатларнинг йўқлиги;
- 2) муайян шахсларнинг розилиги;
- 3) маҳрнинг белгиланиши;

4) расмий қоидаларга риоя этилиши билан белгиланади.

Никоҳнинг биринчи босқичи - келишиш, унаштириш (хитба) бўлиб, унда куёв ўзи ёки вакили орқали келиннинг отаси, васийси ёхуд ишончли кишисига таклифини айтади. Эрнинг аёлга ажратадиган мулки (махр) ва никоҳ шартномаси (сиға)га кирувчи бошқа шартлар хусусида ҳам шу вақтда келишиб олинади.

Иккинчи ва учинчи босқичлар - келинни куёв хонадонига узатиш (зифоф) ва тўй тантаналари (урс, валима). Булар олдинма-кетин бўлиши ҳам мумкин, чунки, агарда келин ҳали балоғат ёшига етмаган гўдак бўлса, уни узатиш то 13-15 ёшга тўлмагунча кечиктирилади. Валима вақтида сиға айтилади ва махр ёки унинг бир қисми (садоқ) тўланади.

Мана шу барча босқичларда, фақат келинга қилинган сарф-харажатларни (мутъа) ҳисобга олмаганда, никоҳ ҳеч қандай оқибатсиз тўхтатилиши мумкин.

Сўнгги босқич - амалда эр-хотин бўлиш (никоҳ). Никоҳ аҳди қоидасини бўлғуси эр ёки хотин ёхуд уларнинг ишончли вакиллари ўқишлари лозим.

Одатда никоҳ аҳдини араб тилида аввало бўлғуси хотин, сўнг эр ўқийди. “Завважтука нафси ала-сиддак ал-маълум!” (“Муайян маҳрга кўра ўзимни сизнинг жуфти ҳалолингиз деб ҳисоблайман”), дейди қаллиқ. Куёв: “Қабилту ат-тазвиж” (“Никоҳ аҳдини қабул қилдим”), деб жавоб қайтаради. Никоҳ аҳдини ишончли вакиллар томонидан айтиш ҳам шу шаклда амалга оширилади: уни аввал келиннинг, сўнг эр - куёвнинг вакили айтади. Шундан кейин никоҳ амалга ошган ҳисобланади. Никоҳнинг зарурий шартларига махр тўлаш, аёлни боқиш ва унга унинг оиласининг мавқеига қараб муомала қилиш, эрлик вазифаларини адо этиш ва фарзандларини боқиш киради.

Никоҳ аҳдномасини тузишда шариат қуйидаги тўрт шартга риоя қилишни тақозо этади:

1. Никоҳ аҳди рисоладаги араб тилида талаффуз этилиши лозим. Фақат истисно тариқасида (башарти араб тилини эр ҳам, хотин ҳам ёхуд уларнинг

ишончли вакиллари ҳам билмасалар) никоҳ аҳдини бошқа тилда айтишга йўл қўйилади.

2. Аҳдни ўқийдиганлар (эр, қаллиқ ёхуд уларнинг ишончли вакиллари) балоғат ёшига етган ва ақли расо бўлишлари керак.

3. Қоидани талаффуз этишда қаллиқ ва эрнинг номи айтилиши даркор.

4. Эр ва қаллиқ никоҳ тузишга рози бўлишлари ва уларни бирор киши бунга мажбур этмаслиги керак.

Исломда никоҳ учун чеклашлар жуда оз, лекин ўзаро никоҳдан ўтаётганларга бир-бирларига ёш ва жамиятдаги мавқеи бўйича мос келишлари тавсия этилади²².

Исломда никоҳ қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

- 1) эр ёки хотиннинг ўлими ёки исломдан чиқиши;
- 2) эрнинг бедарак кетиши;
- 3) никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги ёки нотўғри тузилганлиги;
- 4) эрнинг хотинни талоқ қилиши

Эри уч марта талоқ қилган хотин унга ҳаром бўлади. **Талоқ** (араб. - қўйиб юбормоқ, ажралмоқ) - шариатга кўра, никоҳнинг бекор қилинишидир. Эр томонидан шу сўзнинг айтилиши хотинни барча хотинлик мажбуриятидан тўла озод этади. Бу ҳолатда эр томонидан хотинга берилган мол-мулк (махр) хотинда қолади, эр хотинни идда муддати ўтгунча моддий таъминлаб туриши керак. Шариатда иккинчи талоқдан кейин ҳам эр-хотинни қайтадан яраштиришга рухсат этилади. Учинчи талоқдан кейин эса, шариат бунга йўл қўймайди.

Талоқдан ташқари, исломда никоҳни бекор қилишнинг бошқа турлари ҳам мавжуд:

- фасх - эр никоҳ шартномасининг бирон-бир шартини бажармаган тақдирда, хотиннинг ташаббусига кўра ажрашиш; бироқ эр-хотин муросага келиб ярашса, бу ажрашиш ҳақиқий эмас деб топилади;

²² Мусулмон ҳуқуқи. Маърузалар матни. ЎзМУ, 2010.-Б. 39-40.

- ҳулъа - хотиннинг ташаббусига кўра узил-кесил ажрашиш, бунда хотин эр томонидан ўзига ажратилган мол-мулк (махр)дан махрум бўлади, боз устига унга товон пули - ивод тўлаши шарт; ивод миқдори ўзаро келишувга кўра ёки кози томонидан белгиланади;

- лиан - бир-бирини лаънатлаш, бунда эр хотинини хиёнатда айблайди, лекин исботлаб бера олмайди, хотин эса, эрини ёлғончилик ва тухматчиликда айблайди; ажрашиш узил-кесил бўлади, хотин ўз маҳрини йўқотади, эр эса, бундай ажрашишдан кейин туғилган болани ўзиники деб тан олмаслиги мумкин²³.

Ўзбек оиласида фарзандларни тарбиялашда ҳалоллик билан бирга мардлик, жасурлик, ақллилик, билимдонлик, хусусан, уларни касб-ҳунарли бўлишларига эътибор қаратилган. Собиқ шўролар даврида якка никоҳликка асосланган оилалар қадрланди, кўп болали оилалар рағбатлантирилди. Аммо руслаштириш сиёсати натижасида оилага доир миллий анъаналар қадрсизлантирилди. Натижада, тарбия борасидаги миллий меросимиз, исломий қадриятлар унутилди. Ақиқа маросими, ўғил болани хатна қилдириш, никоҳ ўқитиш, вафот этганларга жаноза ўқиш ҳамда Наврўз байрамлари сингари катта тарбиявий аҳамиятга молик анъаналар таъқиқлаб қўйилди.

Шариатдаги оила ва никоҳ бўлимларининг фалсафий мазмунича, оила жамиятнинг бир кичик бўғини, ажралмас қисмидир. Шунинг учун шариатда оила билан боғлиқ масалалар: оила қуриш тартиби, никоҳлаш қоидалари, балоғатга етганлигини аниқлаш, эркак ва аёл розилиги, мол-мулкка эгаллиги, эр-хотин, ота-она ва болалар одоби, таомларда ҳалол ва ҳаромни ажрата олиш каби кўпгина масалалар ўз ифодасини топган. Асрлар давомида мусулмонлар шахс ва жамият муносабатларини ўрнатишда шариатнинг оила ва никоҳ ҳақидаги талабларига риоя қилиб келганлар. Ҳозирги мустақиллик

²³ Мусулмон ҳукуқи. Маърузалар матни. ЎзМУ, 2010.-Б. 39-40.

даврида ҳам диний эътиқоди бўлган кишилар ҳаётида уларнинг таъсири бор, албатта.

Зеро, оила ва никоҳ масаласи ҳар бир жамиятнинг ижтимоий муносабатлар тизимида фақат иқтисодий, маиший ва ҳуқуқий масалаларнигина камраб олмасдан, шу билан бирга жамият ва шахс учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавий-ахлоқий масала ҳамдир. Бу нарсани исломий қадриятларнинг илк манбалари - Қуръон ва ҳадисларда ёрқин ўзифодасини топган. Чунончи, Қуръоннинг «Нисо» ва «Талоқ» суралари масаласига бағишлангани, шунингдек бошқа сураларда ҳам бир неча оятларнинг оилавий-маиший масалаларга бағишланганлиги бундан далолат беради. Жумладан, «Нисо» сурасида оила қуриш қатъий никоҳ асосида бўлишини таъкидлаб шундай дейилади: «Эй мўминлар, сизлар учун хотинларни мажбурий ҳолда мерос қилиб олиш дуруст эмасдир» (4: 19).

Мусулмон ҳуқуқшунослигининг энг нуфузли манбаи «Ҳидоя» да ҳам оила ва никоҳ масалаларига жуда катта эътибор берилган бўлиб, унинг икки китоби – «Никоҳ китоби» ва «Талоқ китоби» бевосита ушбу масалаларни ёритишга бағишланган.

Маълумки, оила жамиятнинг биринчи ва бирламчи заррасидир. Жамият ана шу кичик зарралардан ташкил топади. Лекин у шунчаки зарра эмас, тирик вужудлар иттифоқидир. Оила фақат эр ва хотиннинг ўзидан иборат эмас. Оила эр-хотин, уларнинг фарзандлари, энг яқин туғишганлардан иборат кишилар гуруҳидир. Оила одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир.

«Ҳидоя» асарида оила ва никоҳ масалаларидаги ана шу муносабатларнинг ҳамма томонлари адолат нуқтаи-назардан ёндашилиб ёртилади. Адолатнинг асосий мезонлари сифатида инсоф ва диёнат, ҳаромдан ҳазар, поклик каби эзгу тушунчалар кўзда тутилади.

«Ҳидоя» да таъкидланишича, никоҳдан мақсад эр-хотиннинг фақат бир-бирларига нисбатан маиший ва моддий ҳуқуқларини расмий

таъкидлашдангина иборат бўлиб қолмасдан, энг аввало, никоҳланганларнинг ахлоқий ва маънавий покланиши учун замин тайёрлашдир.

«...Никоҳдан кўзда тутилган мақсад ифбатли ва покиза бўлиб юришдир»;¹ «Оилали ҳар бир аёл ва эркакнинг покизалиги ва ифбатлилигининг биринчи ва бирламчи белгиси эса зинодан сақланишдир. Зеро, «зино барча динларда ҳам ҳаромдир».²

Шариатда оила ва никоҳ масалсида чиқарилган ҳукмларнинг маънавий ва ҳуқуқий аҳамияти яна шундаки, уларда Қуръон оятларини асос қилиб олинган ҳолда никоҳ аҳдини тузувчи ҳар икки томоннинг, хусусан аёлнинг эр танлаш ҳуқуқининг дахлсизлиги никоҳнинг шартларидан бири деб ҳисобланади. Чунончи, «Ҳидоя» да шундай ёзилади: «...оқила, ҳур аёлнинг никоҳи хоҳ у қиз бўлсин, хоҳ жувон бўлсин, валийсиз ҳам ўзининг розилиги билан боғланаверади... Никоҳ жоизлигининг сабаби шундан иборатки, бу масалада келишича, аёл ўзининг холис ҳаққида фойдаланган, чунки у оқила оқ-қорани ажрата оладиган бўлгани учун ўз хоҳишича фойдаланишга ҳақли. Шунинг учун аёл мол-мулкни тасарруф этишга ҳам, ўзи учун эр танлашга ҳам ҳаққи бор... Шунинг учун уни мажбурлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ».³

Шариатда хусусан «Ҳидоя» да оила ва никоҳ масаласида катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳукмлардан бири аёлнинг никоҳ тўғрисида ўзининг қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлиги ҳақидаги билимга эга бўлишининг зарурлигидир: «Никоҳнинг асл моҳияти ҳақида илм бўлишлиги шарт қилинади. Чунки қиз бола фақат илм бўлгандагина тасарруф эта олади. Бу дунё илм олиш дунёси, бунда жоҳиллик узр бўлмайди».⁴

Марғинонийнинг бу ҳукми ҳозирги давримиз учун ҳам маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиш билан бирга ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Зеро, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳуқуқий билимга, ҳуқуқий

¹ Бурхониддин Марғиноний. Ҳидоя, I-жилд, Никоҳ китоби: Т.: Адолат, 2002. – Б.725.

² Ўша китоб. Б.720.

³ Ўша китоб. Б.667-668.

⁴ Ўша китоб. Б.675.

маданиятга эга бўлиш фукаролик жамияти ва демократик давлат барпо этишининг объектив заруриятига айланиб бормокда. Оилавий муносабатлар жамиятда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий муносабатлардан бири бўлганлиги туфайли ҳам бу масалада айниқса аёлнинг ҳуқуқий билимга эга бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

Шариат аҳкомларида, хусусан «Ҳидоя» да оила ва никоҳ масаласида чиқарилган ҳукмларнинг катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган томонларидан яна бири – эркак ва аёлнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ақлий жиҳатлардан мумкин қадар бир-бирларига тенг бўлишларига эътибор қаратишдир: «Никоҳда тенглик эътиборга олинади. Пайғамбар алайҳиссалом айтганларки: «Огоҳ бўлингларки, аёлларни фақат ўзларига тенг бўлган кишигагина берсинлар».¹

Марғиновийнинг «Ҳидоя» асарида оила ва никоҳ масаласида чиқарган шаръий ҳукмларининг моҳиятини таҳлил қилиб хулоса қилиш мумкинки, масала энг аввало юксак ҳуқ-атвор, маънавий поклик, инсоний қадриятлар нуқтаи-назарида ҳал қилинади. Эркак ва аёл ўртасидаги муносабат муайян қонун-қоидаларга таянган ҳолда оилани мустаҳкамлаш, унинг ахлоқий поклиги ва ҳалоллигини таъмин қилишга қаратилгандир.

Республикамиз мустақилликка эришгач, миллий ва диний қадриятларни тиклашга, хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқи ва уларнинг жамоат ишларида тутган мавқеини кўтаришга катта эътибор берилди. Эркаклар билан аёллар ҳуқуқлари тенглиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланди. Оилада аёллар болали бўлиши, ўз фарзандига тарбия бериши учун зарур шароитлар яратилди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот бу аёлдир»²⁴.

Дарҳақиқат, оилани оила қиладиган, фарзандлари ҳар томонлама камол топишига ўз умрини сарфлайдиган инсон бу онадир. Айни чоғда,

¹ Бурҳониддин Марғиновий. Ҳидоя, I-жилд, Никоҳ китоби: Т.: “Адолат”, 2002. – Б.680.

²⁴ Аёлга эҳтиром. // Таҳрир хайъати: Р.Шоғулом ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 10.

Ўзбек оиласи, асосан, патриархат бўлиб келган, яъни оилада, болалар тарбиясида эркаларнинг роли устуворлиги оила барқарорлигининг шarti ҳисобланган.

Ислом таълимотида оила муносабатларининг шаклланиши, оилада вояга етган фарзандларни оила қуришга тайёрлаш, ҳуқуқий ва ҳуқуқий тарбияси хусусидаги турлича диний-фалсафий қарашлар, ёндашувлар мавжуд. Шулардан бири оила демографиясидир. Республикамиз тарихида аксарият оилалар кўп болалик бўлишни орзу қилганлар, бу эса аҳоли ўсиш суръатига ижобий таъсир кўрсатган. XX асрнинг 50 - йилларидан бошлаб ер шарининг турли минтақаларида аҳолини тез суръатлар билан кўпайиши кузатилган. Масалан, Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши 1950 йилда 3,8; 1980 йилда 2,4; 1990 йилда 2,1; 2000 йилда 1,88 фоизни ташкил этган. Стратегик прогнозга кўра 2006-2010 йилда 2,2 фоизни ташкил этган²⁵.

Бу статистик маълумотлар асосида қуйидагича муайян ҳулосалар чиқариш мумкин: яъни, биринчидан, аҳолининг миқдор жиҳатидан кўпайиши, нафақат оила муносабатларини такомиллаштиришни, балки ёшларни оила қуришга тайёрлашни тақозо этади; иккинчидан, ҳозирги кунда вояга етмаган болаларнинг сони 42 фоизни ташкил этишини ҳисобга олсак, улар тарбияси билан жиддий шуғулланиш зарурияти туғилади; учинчидан, аҳоли сони ортиши муносабати билан янги оила қурувчи, никоҳдан ўтувчиларнинг сони кўпайиши кузатилмоқда. Масалан, агар 2005 йилда республикада жаъми қайд қилинган никоҳлар сони 184000 бўлса, 2007 йилда 254200 нафарни ташкил этган²⁶; тўртинчидан, ҳозир республикада беш миллиондан зиёд оила бўлиб, барча аҳолининг 97 фоизини ташкил этади. Қолгани эса: ёлғиз қолган кексалар, етимлар ва бошқа юртдан келганлардир.

²⁵ Абдусамедов Н.А. Иқтисодий ҳавфсизлик (ижтимоий-фалсафий таҳлил). – Т., 2008. – Б. 19.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумоти. 2009 йил 9 март. 01/3-12-06-15-сон.

Оила муносабатлари ва ёшлар тарбияси ҳамма вақт долзарб ижтимоий масалалардан бири бўлиб келган ва бу хусусда муқобил илмий-назарий, диний-фалсафий қарашлар тизими вужудга келган. Шулардан бири фарзандларни тарбиялаш босқичларидир. Оилада фарзандларни тарбиялаш босқичлари қуйидаги босқичларга бўлинади: 1-босқич—фарзанд туғилган кундан бошлаб, боғча ёшигача бўлган давр; 2-босқич—мактабгача тарбия (болалар боғчаси даври) бўлган давр; 3-босқич – мактаб даври; 4-босқич – касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, олий ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларидаги таълим – тарбия; 5-босқич – мустақил ҳаётга кадам қўйгандан кейинги даврни ўз ичига олади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, оила муносабатларининг жамиятда бир хотинликка асосланган (моногам) оила шакллангунга қадар, унинг ибтидоий кўринишлари – «қон-қариндош оила», «пунауал оила», «кўп хотинлик» оила шакллари бўлган;

иккинчидан, Ўзбекистондаги мавжуд оилалар, асосан, катта, патриархал ва кичик нуклеар оила тоифасидадирлар. Статистик маълумотларга асосан катта оилалар (эр-хотиннинг болалари ва ўз ота-оналари билан яшайдиганлар) 10 фоизни, кичик тўлиқ оилалар 49 фоизни ташкил этади. Қолганлари нотўлиқ оилалар (онаси бор, отаси йўқ, аксинча, отаси бор, онаси йўқ ёки фарзандсиз оилалар)дир. Шунинг учун оила муносабатлари маданияти такомилида фарзандлар тарбиясига ҳар бир оила турига дифференциал (табақаланган) ҳолда ёндашиш лозим;

учинчидан, оила муносабатлари маданиятини сақлаш ва такомиллаштиришда давлат қонунларига риоя қилиш билан бирга умуминсоний, миллий, айниқса, исломий қадриятларни ёш оила қурувчилар онгига сингдириш, бу қадриятлардан оқилона фойдаланиш ўз самарасини бериши мумкин. Бу қадриятларнинг менсимаслик туфайли республикамизда никоҳсиз туғилган болалар сонини ортиб бораётгани ташвишли ҳолдир

(масалан, бундай болалар 2005 йилда 63339 нафар, 2006 йилда 67549 нафарга етган);

тўртинчидан, мустақиллик шароитида оила қуриш оила кодекси асосида амалга оширилиб, мустаҳкам оилани шакллантириш баркамол авлодни тарбиялаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

1.3. Исломда оила муносабатларининг ижтимоий ва ахлоқий назарий асослари.

XXI асрдан бошлаб, дунё маконида жаҳон динлари ва конфессияларининг мамлакатлараро ижтимоий-иқтисодий муносабатларида, шахс ва жамият алоқаларининг ривожланишида, шу жумладан, оила муносабатларида жонланиш кузатилмоқда. Хусусан, ислом динининг оила, шахс ва жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган функциялари барчани кизиқтирмоқда. “Бугунги кунда, - деди Ислом Каримов, - ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас”²⁷. Ҳақиқатан ҳам, оиланинг ижтимоий гуруҳ сифатида барқарорлигини таъминлаш, ислом таълимоти ва қадриятлари асосида қурилган оилалар нисбатан мустаҳкам бўлгани учун ҳам унга қизиқиш ортмоқда.

XX асрнинг охири, XXI асрнинг бошларида жаҳонда кечаётган молиявий иқтисодий инқироз оила муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Россия олимлари: В.И.Максименков, А.А.Попов, чет эл олимлари: Э.Бек, М.Боуэн, Х.Бриджер, Э.Кейн ва бошқалар ҳозирги вақтда хорижлик ёшлар оила қуришдан кўра оиладан ташқари қадриятларни кўпроқ қўллаётганларига эътибор қаратмоқдалар²⁸. Сўраб чиқилган Ўзбекистон фуқароларининг мутлақ кўпчилиги (95,0%) турмуш қуришда Фуқаролик ҳолатларини далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ)да рўйхатдан ўтиш шарт деса, атиги 4,2% фоиз респондент шарт эмас деб ҳисоблайдилар²⁹. Аммо, оила қуришда расмий никоҳдан кўра оиладан ташқари қадриятларга риоя қилиш тенденцияси мамлакатимиз ёшлари орасида чет элга нисбатан озчиликни ташкил этса-да, унга эътибор қаратилмаса, нафақат жамиятдаги демографик

²⁷ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2006. – Б. 36.

²⁸ <http://www.muslima.ru> 2005-2008; [www. http://plusgarantiy.ru / doc/tpg/12 Krilova.doc](http://plusgarantiy.ru/doc/tpg/12/KriloVa.doc)

²⁹ Убайдуллаева Р.А. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият. – Т.: Фан, 2006. – Б. 353.

вазиятга, балки ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Дехқоновнинг фикрича, бир томондан аҳолининг диний онг ва эътиқоди маънавий-маданий ҳаёт барқарорлигининг муҳим омили бўлса, иккинчи томондан, ҳозирги жамият ривожига бажариши лозим бўлган функциясидир³⁰.

Шу нуқтаи назардан Қуръони карим, ҳадиси шариф, шариат аҳкомлари ва фикҳда ёрқин ифодасини топган оила муносабатларининг ақидавий, ҳуқуқий ва назарий асослари ҳақидаги қарашларни ўрганиш керак.

Махсус адабиётларда кенг тарқалган қарашларга кўра, ҳар қандай оиланинг ташкил қилиниши, ривожланиши ва мустаҳкамланишида никоҳ асосий мезон ҳисобланади. Ислом таълимотида ҳам оила қуришнинг шаръий никоҳ орқали амалга оширилиши асосий шартлардан бири бўлиб, никоҳланувчилар — ота-она розилиги, ўз розилиги, соғломлиги, севги, масъулият, жавобгарлик, ор-номус ва виждонлилик сифатларига эга бўлишлари лозим. Масалан, оила қуришнинг ислом асосларига Қуръоннинг «Нисо», «Талоқ» ва бошқа суралари бағишланган. «Нисо» сурасида оила қуриш шарти қатъий никоҳ асосида таъкидланиб, шундай дейилади: «Эй имон келтирганлар! Сизларга хотинларни мажбурий равишда мерос қилиб олиш ҳалол эмасдир»³¹. Яна никоҳнинг машруъ бўлиши³², шаръий никоҳнинг талаб ва қоидалари³³ бошқа оятларда никоҳ ман этилган аёллар³⁴, опасингилларнинг бир никоҳда жамланмаслиги³⁵ ва бошқа жиҳатлари ўз ифодасини топган.

³⁰ Дехқонов М. Р. Исломда оила муносабатлари маданиятини ривожлантиришининг фалсафий таҳлили, фалсафа фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, 15-бет

³¹ Нисо, 19 // Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. — Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. — Б. 80

³² Нисо, 32 // Ўша манба. — Б. 83.

³³ Нисо, 3, 24 // Ўша манба. — Б. 77, 82.

³⁴ Нисо, 22 // Ўша манба. — Б. 81.

³⁵ Нисо, 23 // Ўша манба. — Б. 81.

Ислом манбаларида оила муносабатларининг шакллантирилиши ҳақидаги илмий-назарий қарашлар ўз ифодасини топган. Бу ёндашувларда оила кичик ижтимоий институт сифатида қаралиб, тарбия (шу жумладан, никоҳ олди тарбия), ўзаро мулоқот, бир-бирини тушуниш, фарзандларнинг ижтимоийлашувига эришиш асос қилиб олинади.

Оила муносабатларини такомиллаштиришда фарзандлар тарбияси, хусусан, янги оила қуришга тайёрлашда никоҳ ёшини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Баъзи араб давлатлари қонунларида никоҳ ёши қизлар учун - 15 ёш, йигитлар учун - 17-18 ёш деб белгиланган³⁶. Бундай балоғат ёшга етмаган қизларни турмушга бериш ёхуд уларнинг розилигисиз эрга бериш³⁷ оила барқарорлигига путур етказмоқда³⁸. Ҳанафия мазҳабида эса, никоҳ ёши қизларга - 17, ўғил болаларга – 18 деб белгиланган.

Шариатга асосланган оила қуришда никоҳ ёшининг асосий шarti ўғил болаларнинг ихтилом, қизларнинг ҳайз кўриши билан бирга уларнинг маънавий ва моддий жиҳатдан турмуш қуришга тайёргарлиги асосий мезон бўлган. Тиббиёт ва руҳшунос олимларнинг фикрича, ёшларнинг балоғат ёши 12-16 ёшгача бўлган даврини ўз ичига олади. Бу ёндашувда ёшларнинг биологик жиҳатдан жинсий балоғатга етилиши ҳисобга олинган, холос.

Ваҳоланки, оила қуриш учун балоғат ёшидан ташқари, уларнинг жисмоний соғлом ва руҳан тетик бўлиши, айти вақтда, оила маданиятидан хабардор бўлишини тақозо этади.

Оила қуришнинг шаръий-ҳуқуқий асосларида, оила субъектларининг ўзаро розилик билан бирга, никоҳ ёшига тўлиши, руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши, келин учун маҳр ва қалин тўланиши, улар яқин қариндош бўлмаслиги ва никоҳни гувоҳлар иштирокида қуриш лозим³⁹. Аёлларнинг маҳр асосида ўз мулкига эга бўлишидан ташқари, оила муносабатларидаги

³⁶ Сафаров О., Маҳмудов М., Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 77.

³⁷ <http://newwoman.ru/letter.phpid=787>

³⁸ <http://wwsedmitra.ru/news/323570.html>

³⁹ Бурҳонуддин ал-Марғиновий. Ҳидоя. 1-жилд. – Т.: Адолат, 2000. – Б. 648.

вазифалари: хўжалик юритиш, бола тарбиялаш, илм олиш ҳамда турмуш ўртоғи билан оилавий масалаларни ечишда иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги билан белгиланган.

Ўзбекистонда истиқлол йиллари оилавий муносабатларни бойитишда миллий ва исломий қадриятлардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Миллий ва исломий қадрият шакллари ўз мазмун-моҳияти билан ижтимоий ҳаётнинг талаб ва эҳтиёжлари таъсирида такомиллашади, баъзи жиҳатлари бойиб боради. Шу маънода, миллий ва диний қадриятларнинг оила маданиятидаги мавқеида умуминсоний қадриятларга боғланиб кетиши номоён бўлади.

Зеро, олимлар фикрича, оламда «қадрият», «умуминсоний қадрият» номи билан аталадиган конкрет объект бўлмайди. Аммо ҳар бир қадриятни ижтимоий ҳодиса деб қарасак, у конкрет ном билан аталади. Шу маънода «Умуминсоний қадрият жамият ва одамзод насли учун энг қадрли ва умумижтимоий аҳамиятга эга бўлган нарсалар, ҳодисалар, сифат, фаолият ва бошқаларнинг исми ёки номини эмас, балки уларнинг ижтимоий қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий-аксиологик тушунчадир»⁴⁰.

Оила қадриятлари чексиз бўлиб, унинг бош мезони юксак маънавиятдир. Қадрият ўзбекона оиланинг урф-одатлари, имон-эътиқоди, ишончи, одоб-ахлоқи, расм-русумлари мақомига эга. И.А.Каримов маънавий қадриятларнинг қудратли манбаи оила ва қариндошлик муносабатлари одобида намоён бўлишига эътибор қаратиб, оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш, ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади⁴¹, деган эди. Афсуски, бу қадриятларга совет империяси даврида жиддий путур

⁴⁰ Назаров Қ. Аксиология қадриятлар фалсафаси. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 47.

⁴¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 52-53.

етди. Бундан ташқари хусусий тадбиркорлик таъқиқланиши: «Оилалар ва уруғларнинг анъанавий, касбий ва иқтисодий «ўрни» йўқолишига сабабчи бўлди»⁴².

Ўзбек оиласига асос бўлган шарқона миллий кадриятларнинг бошқа миллатлар ҳаётида амал қиланаётган кадриятларга ўхшаш ва фарқли томонлари мавжуд. Ўзбек халқи маънавиятида ота-онага ҳурмат, эҳтиром, қариндошлик, эътиқодига содиқлик, миллатига ғамхўрлик, меҳмондўстлик, меҳрибонлик каби фазилатлар катта ўрин тутди. Оилада бундай кадриятлар таъсирида тарбия олган ёшлар миллий минталитетимизга хос анъаналарни, нафақат, давом эттирадилар, балки уларни янада умуминсоний кадриятлар асосида бойтадилар.

Илмий адабиётларда кенг тарқалган қарашларга кўра, оила муносабатларини ривожлантиришда миллий ва исломий кадриятлар оила бажарадиган функциялар: редуktiv, тарбиявий, рекреатив, иқтисодий, коммуникатив, интегратив, регулятив, компенсаторлик ва дунёқарашлик вазифаларини бажариш орқали амалга ошади. Социологлар оила мустаҳкамлиги муаммоси кўп жиҳатдан структурали-функционал таҳлилни талаб этади, деган фикрни қувватлайдилар. Баъзи социологлар оила функцияларини уч йўналишда ифодаладиган: демографик функцияси, ижтимоий вазифаси ва иқтисодий вазифасидир⁴³. Бу фикрларга эътироз билдирилмаган ҳолда, миллий ва диний кадриятлар асосида оила бажарадиган функциялар бирмунча кенг ҳисобланади.

Исломда миллий кадриятларнинг оила муносабатларининг ривожланишига ҳисса қўшиб келаётган томонлари «махр», «одат», «қалин», «ақиқа», «ижтимоий ҳимоя», «мерос» каби тушунчаларнинг мазмуни атрофлича таҳлил қилиш керак. Жумладан, айрим халқларда оила қуриш ва унинг мустаҳкамлигини таъминлашда «махр» ва «қалин» белгилаш

⁴² Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 532.

⁴³ Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет, 1997. – Б. 42.

ҳолатлари мавжуддир. Ислом таълимотида маҳр аёлнинг мулкидир, ундан фойдаланиш фақат аёлнинг розилиги билан бўлади. Эр-хотин ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида ҳозирги даврнинг баъзи ёшлари оила қуришда шартномали никоҳ шаклидан ҳам фойдаланмоқдалар. Ўзбек оилаларида оила қуришда қиз томонга қалин бериш одати бор. Бу одат исломдан олдин ҳам бўлган. Ҳозиргача сақланиб келинган қалин аслида туркий халқлар орасида кенг тарқалган одатлардан⁴⁴ ҳисобланади. Аммо бу одат баъзи тадқиқотларда: «сут ҳақи», «куёв совғаси», аксарият ҳолларда эса, келин либослари ва тўй харажатлари учун сарфланади, деб асосланмоқда.

Оила муносабатларида муомала маданияти алоҳида ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, оиладаги таълим-тарбияда ширинсўзликнинг аҳамияти ҳам каттадир. Бу хусусда Ҳусайн Воиз Кошифий: «Билингки, одамзотнинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан бебаҳрадир. Сўз ҳамма вақт сабаб учун ишлатилиши тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъқул»⁴⁵, деган эди.

Оила муносабатлари ва маънавиятини оширишда ота-оналар гўзал, ширин сўзлар билан ўз маданиятини, ўз қадр-қимматини намоён қилади. Оилада фарзанд нутқи қанчалик гўзал бўлса, билими қанчалик ортса, маънавий савияси ҳам шунчалик юксалиб боради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, оила муносабатларини вужудга келиши ва маънавиятининг ривожланиши, бир никоҳли оиланинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий жараёнлар таъсирида ривожланиб, такомиллашиб борган; иккинчидан, ўзбек халқи тараққиётида исломга қадар бўлган даврларда ҳам Марказий Осиё халқларининг ўзига хос оила маданияти, унинг маънавий мезонлари «Одат» шаклида бўлиб, уларга

⁴⁴ Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Т.: Ўқитувчи, 2003. – Б. 90.

⁴⁵ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Т.: Олтин мерос, 1994. – Б. 58.

амал қилиш оила тадрижининг асосий омилларидан ҳисобланган. Бу ҳудуд халқлари ҳаётига ислом дини кириб келиши, таълимоти ва қадриятларини жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётига чуқур сингиб бориши, оилани ташкиллаш, тартибга солиш, хусусан, мазмунини исломлаштиришда ўз ифодасини топган; учинчидан, оила, оилавий муносабатлар шариат қонун-қоидаларига бўйсундирилиб, унинг исломга қадар мавжуд бўлган одат ва анъаналари янги шароитга мослаша борган; тўртинчидан, оила институти ташкил топиши ва ривожланиши тарихи бир қанча оила типлари, босқичлари бўлганлигини кўрсатади: чекланмаган кўп хотинлик (жоҳилия даври); тўрттагача хотинга уйланиш имконияти (шариат кўрсатмаси) ва давлат қонунларига асосланган бир никоҳли оила цивилизация ривожининг юқори босқичида вужудга келган; бешинчидан, оила маънавий маданияти муносабатларини ташкиллаштиришга асос бўлган муҳим омиллари бу миллий ва диний қадриятларнинг исломий мезон ва меъёрлар, яъни никоҳ ва оила ҳақидаги тартиб ва қоидаларидир.

Халқимизнинг бундай исломий қадриятлари ва миллий оила функциялари уйғунлиги ижтимоий ҳаётда, турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этган.

2 боб. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда исломнинг оила муносабатлари маданиятидан фойдаланиш усуллари ва воситалари.

2.1. Ислом таълимотида оила муносабатлари маданиятининг замонавийлик хусусиятлари.

Оила муносабатлари маданияти ҳақидаги исломнинг ақидавий, шаръий кўрсатмалари ривожланиб, мустаҳкамланиб бориши билан халқларнинг ижтимоий-маданий тараққиётида унинг муайян замонавийлик (модернистик) ўзгаришлари содир бўлган. Масалан, тарихий жараёнда оила қуриш исломда фақат шаръий никоҳ билан чегараланган бўлса, жамият тараққиётининг кейинги босқичларида давлат қонунлари асосида амалга оширилди. Ҳаттоки, шаръий никоҳ маън этилган мустабид тузумда диний никоҳга, нафақат, мусулмонлар, балки коммунистлар ҳам хуфёна амал қилганлар. Мустақиллик йиллари «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун ва «Оила кодекси» қабул қилиниши билан оила муносабатларида модернистик тенденция пайдо бўлди. Яъни, оила қуришда қонунлар билан бир қаторда шаръий никоҳдан ўтиш, исломий қадриятлардан фойдаланиш имконияти вужудга келди. Лекин, шу имкониятдан фойдаланиб, оилавий муносабатларга диний ақидапарастлик ғояларини сингдиришга уринмоқдалар. Бундай ҳаракат фақат исломда эмас, балки турли христиан дини оқимлари, будда, кришна, аҳмонийлар, баҳоилар, кадиёнийлар каби миссионерлик оқимларининг асосий фаолият йўналишига айланмоқда.

Ҳозирги кунда модернизация асосида янги оила типи вужудга келди. Буларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- Биринчидан, исломгача бўлган никоҳ шаклларида: «никоҳ ал-бағаё», «никоҳ ал-истибдоъ», «никоҳ ал-жамъ», «никоҳ ал-мақт»⁴⁶ ман этилиб, шаръий никоҳ жорий қилинди.

⁴⁶ Ҳасанов А. Ислом арафасидаги Макка шаҳри тарихидан бир лавҳа: тижорат ва маънавият // Диншунослик фанларининг долзарб муаммолари. – Тўплам I. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 18.

- Иккинчидан, оилада аёл ҳуқуқи тикланди, жумладан, Қуръонда мусулмонлар учун илм олиш 755 марта қайд қилинган.
- Учинчидан, исломгача оилада мерос тақсимоотида аёлларга нисбатан мавжуд бўлган адолатсизликка барҳам берилди, унинг мерос ҳуқуқи Нисо сурасининг 7-чи оятида тикланди.
- Тўртинчидан, ҳозирги замон оила муносабатлари маданиятида «Оила кодекси» ва шаръий никоҳ билан бир қаторда миллий ва умуминсоний қадриятлардан кенг фойдаланилмоқда.

Натижада оилада ота-оналар аҳиллиги ва фарзандлар тарбияси ўзига хос янги мазмун касб этиб, унда аёлларнинг тутган ўрни, ижтимоий-сиёсий мақоми кучаймоқда.

Ислом таълимотига кўра, Аллоҳ таоло биринчи аёл – Ҳаввони эркак, яъни Одамнинг қовурғасидан яратган. Инсон танасини қовурғасидан ажратиб бўлмаганидай, эркакни ҳам аёлдан айириш жуда қийин! Аллоҳ таоло инсоният силсиласини давом эттириш учун аёлга оналик бахтини, имконини берган. Аёл эркак учун лаззатли ҳаёт ва таскин, осойишталик тимсолига айланган. Қуръони каримда шундай дейилган:

“Аллоҳ шундайин зотки, Сизларни бир жондан (Одамдан) яратди ва у ором осойиш топсин, деб унинг ўзидан жуфтини вужудга келтирди”. (Аъроф,189) Яна Қуръонда шундай дейилади: “Улар (аёллар) Сизларнинг либосингиз. Сизлар улар учун либоссиз (яъни, эр-хотин бир-бирига киши либосга муҳтож бўлгани каби муҳтождирлар)”.(Бақара,187) Муҳаммад алайҳиссалом аёл номини улуғлаш, унинг шаънини кўтариш, хотин-қизларнинг ҳуқуқини белгилаб беришда фақат Ислом умматигагина эмас, балки кишилиқ жамиятига ибрат ва намуна бўлиб келяптилар. У зотдан ривоят қилинган ҳадисда: “Ўз хотинига меҳр-шафқатли бўлган кишилар ораларингиздаги энг яхши кишилардир”.

Дил юпанчи намозда аммо.

Пайғамбарнинг аёллари ҳам у зотга нисбатан чексиз ҳурмат, садоқат, итоат, муҳаббат намуналарини кўрсатган. Биринчи хотини Хадича

кабиланинг энг обрўли, бадавлат ва гўзал аёлларидан эди. Бу оқила аёл Муҳаммад алайҳиссаломнинг тўғри сўз, ҳалол, хушхулқ ва ростгўйликлари туфайли ўзи совчи қўйиб, у зотга турмушга чиқди. Бутун бойлигини, меҳр-мурувватини қўш-қўллаб тутди. У зотнинг Ислом динини ёйиш йўлидаги машаққат-азобларига шерик бўлди, қийин кунларда юпанч, далда берди, чинакам сафдош ва сирдош бўлди. Кенжа хотини Оиша Пайғамбар алайҳиссаломдан энг кўп ривоят қилган сафдошларидан бўлди. У зотнинг кўрсатма ва даъватларини Ислом умматига ёйишда энг кўп жонбозлик қилди.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг қизлари Фотима Ҳасан ва Ҳусайнлардай инсонларга ҳаёт берган, тарбиялаган энг олийжаноб аёл сифатида тарихда қолган. Жоҳилия даврида аёлга бир буюм, эркакларнинг кўнгилхуши сифатида қараларди. Исломгача бўлган араб дунёсида қиз фарзандларни тириклай кўмиш одат тусига кирганди. Аёлларни чўри сифатида олиб сотишарди, танфурушлик қилиб, пулини хожасига топширишга мажбурлашар, хотинлари сонини кўпайириб, уларни хўрлашар, зулм кўрсатишар эди.

Ислом дини пайдо бўлгач, бу динни қабул қилган ўлкаларда аёлнинг мавқеи ошди, шаъни улуғланди, ҳуқуқи кенгайди. Унинг жамиятдаги ҳуқуқлари янада ошди, ҳатто, оиладаги ҳуқуқларининг кенглиги ва адолатпарварлиги ҳозирги Ғарб тадқиқотчиларини ҳам ҳайратга соляпти. Ислом шариатига кўра, эркак хонимининг рўзғор, кийим-кечак, емак-ичмак соҳасидаги барча сарфу-харажатларини, эҳтиёжларини зиммасига олади, унинг рухсатисиз Ҳажга ҳам кетолмайди, агар аёли болани эмизишни хоҳламаса, бу ишга бошқа аёлни пулга ёллайди, хонимига яхши муомалада бўлиб, унинг нуқсон-айбларини, сирларини яширади ва ҳоказо.

Шарқда аёлни улуғламаган, унинг шаънига бирор оғиз мадҳия, мақтов битмаган алломаю шоирни, фузало-мутафаккирни топиш қийин. Мавлоно Жалолиддин Румий дунёни ҳайратга солган шоҳ асари “Маснавий”сида шундай ёзади:

«Аёл Аллоҳ нури, оддий жононмас,

Яратур, яралган ошуфта жонмас».

Ёлғизликни фақат ўзига муносиб кўрган Аллоҳ таоло бутун мавжудотларни жуфт-жуфт қилиб яратган. Шу жумладан, инсонни ҳам. Аммо барча зоҳир ва ботин нарсаларни камраб олган жуфтлик қонуни инсонларда юксак камолот чўққисига уланган. Эркак ва аёлнинг, ошиқ ва маъшуканинг бир-бирига интилиши, бир-бирига муҳаббатда Аллоҳга интилмоқнинг, илоҳий ишқнинг намоён бўлиши Шарқ адабиётида, сўфийлар шеъриятида ўз гўзал ифодасини топган. Шарқ шеъриятида Юсуф ва Зулайхо, Фарход ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро, Тохир ва Зухро кабилар машҳур ошиқ-маъшуклардир. Ана шу севги ривоятларининг барчасида аёл тимсоли Аллоҳ ишқида куйиб-ёнишларнинг, интилишталпинишларнинг илоҳий хотимасига айланган, улар сиймосида Аллоҳ таолонинг сифатлари зоҳир бўлган.

Исломда аёлнинг ҳуқуқлари қуйидагича бўлиши керак:

1. Аёлларга яхши муомалада бўлиш, уларга нисбатан хушмуомала, ширин сўз, мулойим муносабатда бўлиш, ноҳақлик ва қўполлик қилмаслик керак. Бу хусусда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: «Мўминларнинг энг тўла ишончлиси хушхулқлисидир. Сизларнинг яхшилариңгиз аёлларга, завжаларига яхши муомалада бўлганлариңгиздир». Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Аёллар хусусида Аллоҳдан қўрқингиз. Зеро, сиз уларни Аллоҳдан омонат ўлароқ олгансиз», деганлар. Ҳадисларда келишича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) аёлларга ва болаларга дуч келганларида, салом берардилар, яъни салом билан муқобалада бўлгандилар.

2. Аёлларни урмаслик. Қуръони каримнинг: «Хотинларнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга насиҳат қилингиз, сўнг (бу таъсир қилмаса,) уларни ётоқларида тарк етингиз, сўнгра (бу ҳам кор қилмаса,) уларни (мажруҳ бўлмагудек даражада) урингиз. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқа) йўл ахтармангизлар. Албатта, Аллоҳ жуда олий ва улуғ зотдир» («Нисо», 34) оятида айтилганидек, итоатсиз аёлни тарбия ва сўнгги чора сифатида қаттиқ оғритмасдан уришга изн берилган.

Лекин, Муҳаммад (с.а.в.) ўзлари аёлларини урмаганлар ва хотин кишини урганларга ҳам қарши турганлар. «Не бўлди эркакларга, хотинларини қул каби урадилар, холбуки, айти кун сўнгги (тун)да латифлашадилар», деган ҳадис ҳам сўзимизнинг исботидир.

Шунингдек, аёлларга ҳам эрларига озор етказмасликлари талаб этилган. Маоз ибн Жабалдан (р.а.) айтилганига кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай марҳамат қиладилар: “қайси бир аёл (мўмин) эрига озор берганда, у кишининг ҳур жуфти (бу аёлга): «Аллоҳ сенинг жонингни олсин, у кишига озор, азият берма. Чунки, шубҳасиз, у сенинг ёнингда меҳмонмусофирдир, сендан айрилиб, тезда ёнимизга келади», дейди”.

3. Исломда аёл ва болаларни ўлдириш маън этилган. Қуръони каримда шундай дейилади: “(Ей инсонлар), болаларингизни қашшоқликдан кўрқиб ўлдирмангиз, уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириш, шубҳасиз, катта хатодир” («Ал-Исро», 31). “Ўз болаларини илмсизлик қилиб, жоҳилона ўлдирган ва Аллоҳга тухмат қилиб, улар учун Аллоҳ ризқ қилиб берган (ҳайвонлар)ни ҳаромга чиқарганлар, албатта, (ўзларига) зиён қилдилар. (Улар) ҳақиқатдан адашдилар ва тўғри йўлга юрувчи бўлмадилар” («Анъом», 140). Ислом ҳуқуқида, ҳатто, уруш вақтида аёл ва болаларни ўлдириш тақиқланган. Ҳазрат Пайғамбар (с.а.в.): “Кимки иккита қизни вояга етгунча боқса, жаннатга мен билан бирга киради”, деб ўрта ва ишора бармоқларини ёнма-ён қилиб кўрсатдилар”.

4. Аёлларнинг илм ўрганиши. Аёл ва эркак мусулмонларга илм ўрганмоқ фарздир. Қуръони каримда фақатгина аёлларнинг ўзига хос, ўзларига мувофиқ келган Аллоҳнинг хитобларидан ташқари (масалан, бола эмизиш, талоқ тўғрисида ва ҳоказо) қолган барча оятлар Аллоҳ таолонинг башариятга, эркак-у аёлга қилган ваҳийларидир. Илм ҳақидаги чақириқлар ҳам шулар жумласидандир. Исломда иймондан кейинги фарзлардан бири илм олишдир (“фарз” бажарилиши шарт деган маънони ҳам англатади). Зеро, фаришта Жаброилнинг Пайғамбарга етказган биринчи сўзи ҳам “Ўқи!” бўлган. Аллоҳ таоло бандасини тафаккур қилиб, борлиққа қараб, таҳлил

билан Ўзини танишини хоҳлайди. Кўр-кўрона, тақлидий иймон келтиришликни хуш кўрмайди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Илмни Чинда бўлса ҳам бориб, олинглар”, деганлар. Ваҳоланки, ўша пайтда Чин (Хитой) бутлар ва бутпарастлар ўлкаси бўлган. Ҳозирда мусулмонлар орасида илм деганда, фақат диний илмлар тушунилади. Бу хато тушунча. Исломда диний, дунёвий, деган гаплар бўлмаган. Илм соҳаларга бўлинган, холос: фикҳ, ҳадис, тиб, хандаса, тарих, фалакиёт илмлари ва ҳоказолардир. Мусулмонлар қуръон ва суннатга амал қилган вақтларида уларнинг орасида илмнинг барча соҳаларида дунёга танилган алломалар етишиб чиққан. Бунга ўзимизнинг ватандошларимиз Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Замахшарий ва бошқа кўплаб олимларнинг номларини келтириш мумкин.

Демак, Ислом динида аёл ҳассос дўст ва турмушда рафиқадир. Биз жаннатни оналарнинг оёғи остидан қидирамиз. Аёлни тузатишга ҳаракат қилар эканмиз, унга қаттиқ озор етказишдан эҳтиётланамиз. Янгигина оила қурган ёшларимиз ўз оилаларининг мустаҳкам ва барқарор бўлиши учун курашишлари зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти берган маълумотларга кўра, собиқ шўролар тузуми даврида ҳокимият ишларида аёлларнинг иштироки масаласида дунё бўйича аёлларга нисбатан яхши шароит туғдирилган мамлакат Беларуссия билан Молдавия ҳисобланиб, улар 21-ўринни эгаллаганлар, Россия эса - 24, Қозоғистон 26, Қирғизистон билан Ўзбекистон-32 ўринни эгаллаганлар⁴⁷.

Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ аёлларни ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1991 йили Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Хотин-қизлар қўмита»си ташкил этилиб, аёллар муаммоси, шу жумладан, оила муносабатлари маданиятини

⁴⁷ Динавикода Каринэ. Роль женщины во властных структурах: реальность и перспективы // Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2006. – № 4. – Б. 129.

ривожлантириш устувор вазифага айланди. Зеро, аҳолининг ярмидан кўпроғини 2002 йилдаги маълумотларга кўра аёллар аҳолининг 50,2 фоизини, 2006 йил маълумотларида аҳолининг 52,3 фоизини ташкил этувчи аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва оилавий муносабатлари фаолияти доимо давлат эътиборидадир. МДХда Ўзбекистон биринчилардан бўлиб, «Аёлларга нисбатан барча дискриминация шакллари тугатиш ҳақида»ги БМТ Конвенциясини ратификация қилиши, Гендер муаммосига алоҳида эътибор бериши ўзбек аёллари тарихида оламшумул аҳамиятга эга бўлган ҳужжат эди.

Миллий қонунчилигимиздаги оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги ва уларнинг тенг мажбуриятга эгаллиги тўғрисидаги қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар» деган конституциявий нормадан келиб чиқади.

Қонунчиликка кўра, никоҳ натижасида вужудга келган эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлари шахсий ва мулкыйларга бўлинади. Шахсий ҳуқуқлар мулкый ҳуқуқлардан фарқ қилиб, иқтисодий мазмунга эга эмас, фуқароларнинг шахсияти билан бевосита боғлиқ ва ундан ажратиб бўлмайди. Бу муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш асосида қуришни ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъулиятлигини тақозо этади.

Эр-хотин ўртасида қуйидаги шахсий тенгликлар вужудга велади:

1. Фамилия танлашдаги тенг ҳуқуқлик.

Никоҳ тузиш вақтида эр ва хотиннинг фамилия танлаши уларнинг оилада тўлиқ тенг ҳуқуқлиги тамойилидан келиб чиқади. Улар ўзаро келишиб эр ёки хотиннинг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлашлари ёки ҳар бири никоҳгача бўлган фамилиясини сақлаб қолишлари мумкин. Бу

масала эр ва хотиннинг ҳар бири томонидан иккинчисининг ёки бошқаларнинг тазйиқисиз эркин ҳал қилиниши лозим.

2. Эр-хотиннинг болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларини ҳал қилишдаги тенгликлари.

Оилавий турмушнинг барча, жумладан, болалар тарбияси масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қилишлари лозим.

Оилавий ҳаётда эр ва хотиннинг биронтаси иккинчисига нисбатан бирон-бир устун ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин эмас. Улар ўртасидаги тенглик оиладага барча масалаларни биргаликда ҳал қилиш тамайлари билан таъминланади. Улар келишиб, бир-бирларини ҳурмат қилиб, тенг ҳуқуқликларини англаб иш тутушлари оила мустаҳкам бўлишига замин ясайди.

Оиланинг мустаҳкамлиги ва фаровонлиги эр-хотиннинг биргаликдаги ҳаракатига боғлиқ. Эр-хотин биргаликда ҳам моддий, ҳам маънавий ўзаро ёрдам кўрсатиши, бир-бирини қўллаб-қувватлаши лозим. Ўзаро ёрдам улардан бири касаллиги, ногиронлиги, ҳомиладорлиги ва бошқа сабабларга кўра меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганда айниқса сезилади. Вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш оила қонунчилигининг устувор тамойилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Эр-хотин оиланинг моддий таъминланиши билан бир қаторда, оиланинг барча аъзолари, айниқса болаларининг ҳар тарафлама камол топиши, маънавий ва жисмоний соғлом ривожланишлари, улғайишлари тўғрисида қайғуришлари лозим.

Оилада ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашлари тўғрисидаги мажбуриятлар Республикамиз Конституциясининг 64-моддасида ўз ифодасини топган.

3. Эр-хотиннинг машғулоти тури, касби ва турар жой танглашдаги тенг ҳуқуқликлари.

Эр-хотин турмушда ўзлари севган, танглаган касбларида ишлаш, машғулотлар билан шуғулланиш ҳуқуқларига эгалар. Оила қонунчилиги эр-хотинга турар жой танглашда ҳам тенг ҳуқуқ беради. Улар эрининг ёки хотинининг уйида ёки келишган ҳолда бошқа жойларда яшаши мумкин. Аслида бу масалалар оила манфаатини ҳисобга олган ҳолда ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида ҳамжиҳатлик билан бамаслаҳат ҳал қилинса, оила янада мустаҳкам бўлади.

4. Эр ва хотин фарзанд тарбиясида тенг иштирок этишлари.

Оилада фарзанд туғилиши ота-она томонидан улкан қувонч билан кутилади. Хомиладорлик вақтида хотинига ғамхўрлик қилиш, оғирини енгил қилиш, авайлаб-асраш эрининг ва бошқа оила аъзоларининг бурчи бўлмоғи лозим. Фарзанд соғлом туғилишида фақат она эмас балки ота ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Фарзанд туғилганидан сўнг уни боқиш, соғлом шароит таъминлаш эр ва хотиннинг бурчи бўлиб ҳисобланади. Ота-она боланинг олдида тенг ҳуқуқли жавобгар шахс эканликларини доим билишлари шарт. Соғлом муносабатда тарбия олган, ўсган бола жамиятимизга унумли фойда келтиради.

2.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнида оила муносабатлари маданиятида ота ва онанинг фарзанд тарбиясидаги ўрни.

Оилавий муносабатлар тартибга солиниши натижасида оилада шахслар ўртасида ўзаро қариндошлик тушунчаси юзага келади. Қариндошлик ришталарининг юзага келиши ҳам албатта томонларга маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни юклайди.

Қариндошлик тушунчаси ва унинг ҳуқуқий оқибатларини таҳлил қилишдан олдин қариндошлик ришталарини боғловчи асосларни ўзлаштириш лозим бўлади.

Бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, неvara бобосига, бувисига нисбатан – иккинчи, эvara катта бобосига, катта бувисига нисбатан – учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва ҳоказо.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳаказо.

Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир.

Икки шахс ўртасида қариндошликнинг узоқ-яқинлигини аниқлашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг ўзини ҳисобга қўшмай туриб, ундан келиб чиққан авлодлар сони ҳисобга олинади.

Ҳисоб аждодлар томон тўғри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар томон – улардан бошқасига қараб олиб борилади.

Туғилган ака-ука ва опа-сингил қариндошликнинг иккинчи даражасида, тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари билан қариндошликнинг - учинчи,

тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса – тўртинчи даражасида турадилар.

Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир она бошқа ёки аксинча – она бир ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, ўғай ака-укалар ва ўғай опа-сингилларнинг ё отаси, ё онаси бир бўлади. Ёт аралашган қариндошлар худди ёт аралашмаган қариндошликдаги каби ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради (масалан, ўғай ака (ука) ёки ўғай опа (сингил) вафот этгандан сўнг мерос олишда ёки улардан алимент ундиришда).

Қариндошликдан қайин-бўйинчилик ва куда-андачиликни ажрата билиш керак. Қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик кишининг насл-насабига ёки қондошликка асосланмайди. Балки никоҳнинг ёндош оқибати бўлган ижтимоий боғланиш ҳисобланади. Эр-хотиннинг қариндошлари йўқ бўлса, қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик вужудга келмайди. Қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик муносабатлари оила ҳуқуқи орқали бошқарилмайди.

Қариндошлик ришталири орқари вужудга келган шахсий ҳамда мулкый ҳуқуқ мажбуриятларнинг ҳаммаси насл-насаб нуқтаи назаридан мустаҳкамланади. Оилада ота-она ва болаларнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари боланинг насл-насабига қараб белгиланади. Шу сабабли Қуръони каримда ҳар бир фарзандни ўз отасига нисбат бериш буюрилиб, фарзандликка олган шахслар ҳам ўз қарамоқларига олган болаларни ўз оталарига нисбат беришлари лоизмлиги уқтирилади.

Насабни белгилаш масаласи ислом ҳуқуқида муҳимлиги шу билан изоҳланадики, оилада хоҳ у янги бўлсин ё қадимий бўлсин унда ҳалол ва ҳаром масалалари ҳар доим диққат марказида бўлиши лозим. Чунки бу масала болаларнинг тарбияси, хулқи ва келажагига таъсир қилади. Насабларнинг аралашиб кетмаслиги, яъни киши ўз маҳрами билан никоҳланмаслиги никоҳнинг асосий шарти. Шу сабабли насабга эътибор

бериладики, киши кимлигини ва ўз ўрнини билсин. Ислом ҳуқуқида қонуний никоҳ давомида туғилган, никоҳ бекор қилингандан сўнг энг ками 6 ой ва энг кўпи бир йил муддат ичида туғилган болага отанинг насаби берилади.

Шу билан бирга ислом ҳуқуқи низоли ҳолларда суд орқали насабни белгилашга рухсат беради.

Агар ўзаро никоҳда бўлмаган шахслар ўртасида бола туғилса ва ота буни эътироф этса болага насаб берилади. Агар ўзаро никоҳда бўлмаган кишилар ўртасида ҳомиладорлик вужудга келиб, кейинчалик никоҳланса ва никоҳдан 6 ой ўтгач бола туғилса болага отанинг насаби берилади. Агар 6 ойдан кам муддат ичида туғилса берилмайди. Лекин ота суд орқали боланинг насабини белгилаши мумкин. Оталикни белгилаш фактини мустаҳкамлаш учун боланинг (болаларнинг) айнан шу отадан туғилганлигини тасдиқлайдиган далиллар бўлиши шарт.

Ислом ҳуқуқи манбаларининг вояга етмаган болаларнинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид нормаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, шариатда ҳам барча ривожланган қонунчилик нормалари каби, вояга етмаган болаларнинг қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлари мустаҳкамланган:

1. Боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи;
2. Ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи;
3. Ҳимояланиш ҳуқуқи;
4. Исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи;

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши инсоний кадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийси томонидан таъминланади.

Оила қонунчилигига биноан ҳар бир бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онанинг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас деб топилиши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш деганда, боланинг бузилган ҳуқуқини тиклаш, унинг ҳуқуқларини амалга оширишда мавжуд бўлган тўсиқларнинг олдини олиш, бартараф қилиш тушунилади. Мисол учун агар ота-она фарзандларини тўғри тарбия қилмаса, таълим-тарбия беришда қонун билан юклатилган вазифаларини бажармаса, ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилса, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган деб ҳисобланади. Бундай ҳолатлардан хабардор бўлган васий ҳомийлик органлари болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Оила ота-онанинг ҳам ўз фарзандларига нисбатан шахсий номулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд бўлиб, улар ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Ота-оналик ҳуқуқлари болалар балоғат ёшга тўлганларида тугайди.

Ота-онанинг бола олдидаги тенг ҳуқуқликлари унга ғамхўрлик қилиш, таълим-тарбия бериш, уни парвариш қилиш ва ҳ.к. иборатдир. Ислом ҳуқуқида боланинг олдида ўз ҳуқуқларини бажариш ота-она учун фақат ахлоқий қоида бўлиб қолмай, балки фарз даражасидаги ҳуқуқ ва бурчдан биридир. Ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас.

Ҳар қандай жамият истиқболи, тинчлиги, осойишталиги, равнақи оила институти тузилишига, унинг аъзоларининг ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий муносабатлари даражаси оилада эркак ролига кўп жиҳатдан боғлиқлиги турли маълумотлар билан асосланган. Қуръон ва ҳадисларга асосланган

ислом маданиятининг оилавий тизимида отанинг ўрни ва бурчи юқори баҳоланган. Унинг зиммасига оилани боқиш, фарзандларни тарбиялаш, билимли қилиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, вояга етган болаларни оилали қилиш, мустақил ҳаётга йўллаш каби масъулиятли вазифалар юклатилган. Бу вазифаларнинг бажарилиши дунёвий давлатларда, аввало, давлатнинг қонун-қоидалари асосида бўлиши талаб этилади, аynи вақтда, бу жараёнда миллий ва диний қадриятларга эътибор бериш назарда тутилади.

Ота обрўсини сақлаш ва унга итоат қилиш (авторитар хусусият) ўзбек халқи учун ҳам миллий, ҳам диний қадрият сифатида аجدодлардан бугунги кунгача етиб келган. Бундай хусусият фақат ислом дини тарқалган халқлардагина эмас, балки бошқа диний конфессияларга эътиқод қилувчи халқларда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Масалан, конфуцийчиликда ота-она жуда улуғланади: «Ҳокон (император) – Осмон ўғли, у осмон остидагиларнинг барчасига ота. Осмон остидаги тартиб-қоида эса куйидагича: подшо-подшо, ота-ота, мулозим-мулозим, ўғил-ўғил бўлиши керак»⁴⁸. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир оиланинг равнақи учун биринчи галда ҳаракат қиладиган киши – ота, ундан кейин онадир.

Ўзбек оиласи мустаҳкам, барқарор, аҳил бўлиши оталар маънавияти, маданиятига боғлиқдир. Эл-юртдаги тинчлик, хотиржамлик, меҳнатсеварлик, диёнатлилик, яхшиликлар ва эзгуликлар негизида оталар берган тарбиянинг илдизлари бор. Кўп ҳолларда ота тарбиясини олмаган фарзанд ахлоқида нуқсонлар бўлиши статистик маълумотларда келтирилган ва кенг таҳлил қилинган.

Миллий ва исломий қадриятларда отани ҳурматлаш ва бўйсунтириш, ёшларнинг иродавий, ҳуқуқий, ижтимоий фаолиятини бўғиш эмас, балки уларда тўлиқ эркинликни сақлаган ҳолда йўлга солишдир. Ўзбекистон «Оила кодекси»да бу масала хусусида: «Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

⁴⁸ Конфуций панд-ўғитлар. С.Аҳмад таржимаси. // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 1997. – № 5-6. – Б. 10

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга»,⁴⁹ - дейилган.

Ислоннинг оила муносабатлари маданияти ҳақидаги қарашларида ота меҳри оддий бурч ёки эътиқодгина эмас, балки инсоннинг қон томирларига сингиб кетган қудратли манбаи ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, Шарқ халқларида оилада отага итоат қилиш қадимдан, яъни уруғ-қабилачилик давридан давом этиб келаётган одат бўлиб, жамият ривожининг юқори босқичларида янги мазмун билан бойиган;

иккинчидан, ислон динида отанинг оиладаги ўрни ва роли ғоятда юқори даражага кўтарилган бўлиб, фарзандлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган;

учинчидан, ҳозирги даврда баъзи оилаларда отага итоат этмайдиган ёки отасиз ўсган ёшларда ўзбошимчалик, тўғри йўлдан адашиш, қонунбузарлик, ҳаттоки норасмий диний ҳаракатларга қўшилиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда;

тўртинчидан, оилада тинчлик, осойишталик, фарзандлар тарбиясининг замон талабида бўлиши, нафақат, муайян оила, балки фуқаролик жамияти қуриш истиқболи учун ҳам аҳамиятлидир.

Оилада фарзандлар масъулияти миллий ва ислоний қадриятлар асосида ривожланади. Оилада ота-она фарзандлари вояга етиши учун бор-йўғини аямаслиги, ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериши ислон манбалари баён қилинган.

Ҳаёли аёл оиланинг номуси, эрининг ҳузур-ҳаловати, фарзандларининг меҳрибони, одамларнинг дуру гавҳаридир. Ҳаёли аёл хонадон равнақидир. Зеро, у оила аъзоларини тушунади, осойишталик билан иш олиб боради. Оиланинг аччиқ-чучугига чидаб, меҳр ва ишонч билан яшайди. Бундай аёлларни халқимиз ҳаёли ва вафоли деб билади.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 73-модда. – Т.: Адолат, 2007. – Б. 75.

Аёлнинг оила мустаҳкамлиги учун курашаётган бир вақтда ажралиб кетаётган оилалардан ҳам кўз юмолмаймиз. Бунинг сабаблари бизнингча: биринчидан, баъзи ёшларнинг оила куриш ишига жиддий ёндашмай, оқибатини ўйламай, енгилтаклик билан қарашлари; иккинчидан, ота-оналарининг ёш оила қурганлар ҳаётига ноўрин ёндашиши, айниқса, қайнона-келин муносабатлари; учинчидан, оила қурган ёшлар ота-оналарининг иқтисодий имконияти тенг эмаслиги натижасида низоларнинг келиб чиқиши; тўртинчидан, фарзанд кўрмаслик оқибати ва бошқалардан иборат. Бундай ҳолат, нафақат, оила, балки давлатни ҳам ташвишлантиради.

Ислом манбаларида ҳам аёллар ибратли сўзлар билан улуғланади. Масалан, Расулуллоҳ: «Мусулмоннинг уйи жаннат боғидан бир парчадир», деганлар. Яхши, оқила она оилани жаннат боғчаси этиб, фарзандларини гул каби парваришлайди. Аёл кўриниши билан эмас, балки гўзал феъли, яхши ахлоқи учун жамиятда, оилада аёл эъзозланади.

Исломда аёллар ҳуқуқий мақомига келсак, бу масаласини демократик стандартлар билан таққослаб ўрганиш ва уни таҳлил этиш муҳим. Исломда аёлга аввало инсоний вужуд сифатида қаралади ва унинг ҳам худди эркаклар каби инсоний руҳ ва жон эгаси эканлиги эътироф этилади: “Эй одамлар, сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳаво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Раббингиздан қўрқингиз!..”. Ушбу оят орқали ислом маданияти аёлнинг инсоний фазилатларини тўлиқ эътироф этди, унга таълим соҳасини кўрсатди, балоғатга етгандан сўнг, барча ишларда тўла молиявий иқтидорни берди. Унинг эри ҳам, отаси ҳам унга тегишли бўлган нарсаларга ва ҳатто маҳрига ҳам дахлсизлиги кафолатланди.

Ислом дини аёлга меҳнат қилишни ман этмади, балки ўз табиатига муносиб ишларни танлаши лозимлигини уқтирди. Шунингдек, исломда аёлларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётга алоқадор масалаларда ҳам ўз фикрини баён этишга ҳамда жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишга

ҳақли эканликлари, аёлларнинг жамият равнақи йўлида фаол иштирок этишларига замин яратди.

Умумий қилиб айтганда, ислом жамиятда аёлларнинг мақомини кўтарди ва кўп нарсада уларга озодлик берди, уларнинг инсоний фазилатларини таҳқирлашдан, инсоният ақлига тўғри келмайдиган зулмкор фожеалардан халос этади. Ислом ҳуқуқида аёл оилавий муносабатга киришар экан, унга ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, у оилада тўла муомала лаёқатига эга шахс сифатида мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларга эга. Жамиятда ҳам аёл мақоми қўллаб-қувватланиб, унинг табиӣй, ижтимоӣй ва сиёсий ҳуқуқлари таъминланди. Ислом аёлларга раҳм-шафқат, меҳр кўрсатиш билан унинг мақомини кўтарди ва бахтли ҳаёт кечириши учун муқаддас қонунларни жорий этди. Ушбу қонунларнинг бажарилиши Қуръон оятлари ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадислари орқали мустаҳкамланди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин: биринчидан, ўзбек халқида қадимдан оилада аёлнинг ўрни ва вазифаси шарқона ахлоқ-одоб меъёрлари билан ўлчанган. Агар бу меъёрларнинг бирор жиҳати бузилса, оила мустаҳкамлигига путур етган;

иккинчидан, ислом маданиятининг халқимиз ҳаётига кириб келиши билан оилани ташкил этиш ва муносабатларни ўрнатиш шаръий қонунлар асосида амалга оширилиб, унда эркак ва аёлларнинг ҳуқуқи ва бурчи ҳам ўз ифодасини топган;

учинчидан, мустабид тузум давридаги аёлларга берилган «тенг ҳуқуқлилиқ», уларга ёрдам беришдан кўра камситишга олиб келган;

тўртинчидан, она — оиланинг бекаси, унинг маънавияти, ахлоқ-одоби, савияси қанча юқори бўлса, фарзандларига ҳам шунчалик етук тарбия бера олади. Бундай фарзандлардан тузилган янги оилалар жамият келажаги учун катта аҳамиятга эгадир;

бешинчидан, мустақиллик шароитида оила муносабатлари маданиятини шакллантириш миллий сиёсатининг йўналишларидан бири ҳисобланади,

айниқса, аёллар ҳуқуқининг илмий асосда ҳимоя қилиниши оила мустаҳкамлигининг гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижаларини умумлаштирадиган бўлсак, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ислом таълимотида оила ва никоҳ масалалари, оила муносабатларини шакллантиришнинг асосий мезонлари – тенглик, эр ва хотин розилиги, инсоф ва диёнат, ҳаромдан ҳазар, поклик каби эзгу ҳикматлар ўз аксини топган;

2. Оила муносабатларининг шаклланиши, уни такомиллаштириш, яъни ахлоқ-одобли фарзандларни тарбиялашда дунёвий ва диний мерос ҳамда қадриятларга, миллий тарбия анъаналаридан оқилона фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

3. Исломда оила муносабатларининг тарихий генезисининг фалсафий таҳлилидан маълум бўлишича, ижтимоий ҳаётнинг ривожланиш босқичларида бир хотинликка асосланган оила шакллангунга қадар оиланинг ибтидоий кўринишлари «қон-қариндош оила», «пуналуал оила», «кўп хотинлик» оилалар ҳам бўлган.

4. Оила муносабатларининг ақидавий, ҳуқуқий асослари Қуръони карим, ҳадиси шариф ва шариат аҳкомларида ишлаб чиқилган бўлиб, улардаги диний бағрикенглик, ҳамжиҳатликка даъват этувчи ғоялар эса, динлараро муросасозлик, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

5. Оила институти фалсафий таҳлилидан маълум бўлишича, тарихий жараёнда бир қанча оила типлари, босқичлари бўлганлигини кўрсатади: чекланмаган кўп хотинлилик (жоҳилия даври), муайян шартлар асосида тўрттагача хотинга уйланиш имконияти (ислом таълимоти, шариат кўрсатмаси) ва давлат қонунларига асосланган жуфт оила цивилизация ривожининг юқори босқичида вужудга келган.

6. Оиланинг ички ва ташқи муносабатлари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ривожланишини ўзида акс эттиради. Илм-фан, санъат, адабиёт, техник прогресс, шу жумладан, дин соҳасидаги ўзгаришлар бу жараёнга ўз таъсирини ўтказиб, оила маданиятида жамият тараққиёти босқичларида ўзига хос модернистик хусусиятларни юзага келтиради.

7. Марказий Осиё, шу жумладан, ўзбек халқи ҳаётида ислом дини кириб келганидан бошлаб, оила муносабатлари мусулмон ҳуқуқ-тартиботи асосида бошқарила бошлаган. Дастлаб никоҳ – оила муносабатлари Қуръон кўрсатмалари асосида тартибга солинган бўлса, кейинчалик Қуръон ва суннага асосланиб, суннийликда (ҳанафийлик, шофъеилик, моликийлик, ҳанбалийлик) ва шиаликда (жаъфарийлик) қонунчилик мазҳаблари мусулмонларнинг моддий ва маънавий, ижтимоий, никоҳ ва оила ҳаётини тартибга солиб турувчи диний ҳуқуқ системаси шариат орқали бошқарилди.

8. Мусулмонларнинг ҳуқуқ тизимида давлат ҳуқуқи, мулк ва жиноят ҳуқуқи, қозилик ва кафиллик масалалари, умуман бу динга эътиқод қилувчиларнинг моддий ва маънавий, ижтимоий ва шахсий ҳаётини тартибга солиб турувчи ҳуқуқлари, айниқса, никоҳ ва оила ҳуқуқларига кенг ўрин берилган. Никоҳ-оила муносабатларининг ақидавий ва ҳуқуқий қоидаларининг мазмун-моҳияти асосий мезонлари Қуръони Карим, ҳадиси шариф, «Ҳидоя»да ўз ифодасини топган ва мусулмон аҳли унга асрлар давомида унга амал қилган.

9. Ўзбекистон Республикасида миллий давлатчилик сиёсатини амалга ошириш ҳамда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамият тизимини барпо этиш жараёнида оила ва оила маданияти такомиллаштиришда дунёвий ва диний асослардан ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги амалий тавсияларни бериш мумкин:

- оила муносабатлари маданиятини такомиллаштириш мақсадида “Оила илмий-амалий маркази”, “Бахт уйлари”да етук шифокор, ҳуқуқшунос,

психолог олимлар билан бирга маҳалла вакилларининг ёш оилаларга маслаҳатлар бериб туришлари фойдали бўлади;

- оила қуриш севги асосида бўлиши, айна вақтда, никоҳланишга монелик қилувчи (қон-қариндошлик, ёш жиҳатдан катта фарқ қилиши ва б.) томонларини ҳисобга олиш зарурлиги. Бу хусусда оммавий ахборот воситаларида «Оила» рукнида махсус суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир;

- оила қурувчи ёшларни салбий қарашлар таъсиридан ҳимоялаш ҳамда исломий кадриятлардан ўз ғаразли ниятлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётган, диний ҳаракатлар ва миссионерларнинг асосий мақсадларини маҳаллаларда, ўқув масканларида тушунтириб бориш мақсадга мувофиқ;

- ёш оилаларни ажралиб кетишига сабаб бўлаётган омиллар (қайнона-келин муносабатлари, муомала маданияти, оила маънавияти ва б. Юзасидан маҳаллалардаги хотин-қизлар йиғилишида тажрибали мутахассислар, отахон ва онахонлар иштирокида суҳбатлар ўтказиш яхши самара бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. –Т. 2012, 63-модда
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 73-модда. – Т.: Адолат, 2007. – Б. 75.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2006
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 532.
5. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
6. Абдусамедов Н.А. Иқтисодий хавфсизлик (ижтимоий-фалсафий таҳлил). – Т., 2008.
7. Аёлга эҳтиром. // Таҳрир ҳайъати: Р.Шоғулом ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
8. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет, 1997.
9. Дехқонов М. Р. Ислонда оила муносабатлари маданиятини ривожлантиришининг фалсафий таҳлили, фалсафа фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Т., 2012
10. Дехқонов М.Р. Мустақил Ўзбекистонда оила маънавиятини такомиллаштиришнинг дунёвий ва диний муаммолари. – Т.: Фан, 2006. – 122 б.
11. Дехқонов М.Р. Оилада ахлоқий тарбия инсон камолотининг асоси. – Т.: Истиқлол, 2007. – 48 б.
12. Дехқонов М.Р. Оила – жамият таянчи // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 1999. – № 7. – Б. 56-59.
13. Дехқонов М.Р. Ҳадислар – таълим-тарбия манбаи // Имом Ал-Бухорий сабоқлари. 2003. -2-сон. –Б. 159-160.

14. Дехқонов М.Р. Оила ҳуқуқий онгининг шаклланиши // Ҳаёт ва қонун. 2004. – № 6. – Б. 73.
15. Дехқонов М.Р. Фарзандлар ҳуқи – обод кўрки // Имом Ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2006. – № 4. – Б. 313-314.
16. Дехқонов М.Р. Қуръон ва ҳадисларда одоб-ахлоқ умуминсоний ва диний қадриятлар муаммоси // Илмий мақолалар тўплами. ТошДПИ, 1996. – Б. 82-86.
17. Дехқонов М.Р. Миллий истиқлол ғоясини ёшлар қалбига синдиришнинг асосий йўналишлари ва босқичлари // Республика маънавият ва маърифат кенгаши миллий мафкура илмий тарғибот маркази. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2002. – Б. 73-74.
18. Дехқонов М.Р. Миллий ва диний қадриятлар, оилавий муносабатларнинг маънавий омили // ЎзМУ файласуфлар миллий жамияти. Миллий ғоя ва маънавий қадриятлар: назария, методология, амалиёт. – Тошкент, 2004. – Б. 121-124.
19. Дехқонов М.Р. Жамоатчилик фикри, унинг оила маънавияти ва фарзандлар тарбиясига таъсири. Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. – ТДЮИ, 2004. – Б. 256-258.
20. Дехқонов М.Р. Ислоҳ динида оила маданиятини шакллантириш масалалари // ЎзМУ. Ижтимоий-фалсафий фанлар: назария ва амалиёт. Илмий-услубий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 81.
21. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Т.: Ўқитувчи, 2003. – Б. 90.
22. Конфуций панд-ўғитлар. С.Аҳмад таржимаси. // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 1997.
23. Мустақиллик: изоҳли илмий оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2000.
24. Назаров Қ. Аксиология қадриятлар фалсафаси. – Т.: Маънавият, 1998.
25. Оила ижтимоий ҳимоя омиллари. – Т.: Республика «Оила» илмий-амалий маркази, 2007. – Б. 10.

26. Отахўжаев Ф. Никоҳ ва уни ҳуқуқий тартибга солиниши. – Т.: Адолат, 1995. – Б. 19.
27. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1998.
28. Убайдуллаева Р.А. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият. – Т.: Фан, 2006.
29. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумоти. 2009 йил 9 март, 01/3-12-06-15-15- сон.
30. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981.
31. Қиличев Ф.Ж. Оила муносабатлари. // Ҳаёт ва қонун кутубхонаси. – Тошкент, 1997. – № 1. – Б. 44.
32. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Т.: Олтин мерос, 1994.
33. Ҳасанов А. Ислом арафасидаги Макка шаҳри тарихидан бир лавҳа: тижорат ва маънавият // Диншунослик фанларининг долзарб муаммолари. – Ҷўплам I. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
34. Конфуций панд-ўғитлар. С.Аҳмад таржимаси. // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 1997.
35. <http://www.muslima.ru> 2005-2008; [www. http://plusgarantiy.ru / doc/tpg/12](http://plusgarantiy.ru/doc/tpg/12)
KriloVA.doc